

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДАҲ раиси:  
*Миршукамур У.Т.*  
«29» декабрь 2019йил

Кафедра мудири:  
*Фазил*

«20» 06 2019йил

ТУШУНТИРИШ ҚИСМИ

МАВЗУ: Жиззах автотехнозмат МЧЖда бошқарув самардорлигини ошириш.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ ТАРКИБИ

Тушунтириши ёзуви 80 бет  
График қисми 6 варақ

Талаба:

*Худойқулова С.Э.*

Худойқулова С.Э

Битирув иши раҳбари:

*Назарет*

Бозорова С.А

ҚИСМЛАР БҮЙИЧА МАСЛАХАТЧИЛАР

1. Назарий қисм Назарет
2. Таҳлил қисми Назарет
3. Хулоса қисми Назарет
4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги Диргасеева М.Д. Асан

ТАҚРИЗЧИЛАР:

1. тадалов А *А.Т.*
2. \_\_\_\_\_

ЖИЗЗАХ-2019 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**«СЕРВИС» ФАКУЛЬТЕТИ**

**«МЕНЕЖМЕНТ» КАФЕДРАСИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Кафедра мудири Роҳзоде

«20» 06. 2019 йил

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БҮЙИЧА  
ТОПШИРИҚ**

Талаба: *Худойқулова Сарвиноз Эркин қизи.*

**1. Бити्रув малакавий ишининг мавзууси:** Жиззах автотеххизмат МЧЖда бошқарув самардорлигини ошириш. Бити्रув малакавий иши мавзууси институт ректорининг 2018 йил « 26 » декабрдаги № 496 Т сонли бүйрузи билан тасдиқланган.

**2. Битириш ишини топшириш муддати:** 20 июнь 2019 йил.

**3. Битириш ишини топшириш муддати:** 20 июнь 2019 йил.

БМИда ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари, асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси, Жиззах автотеххизмат МЧЖнинг 2016-2018 йиллик бухгалтерия ҳисоботи маълумотларидан фойдаланилди.

**4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати):** Кириш. I-Боб. Автотранспорт корхоналарида ресурслардан фойдаланишнинг назарий асослари. II-Боб. “Имконият автосервис” МЧЖ тавсифномаси. III-Боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида “Имконият автосервис” МЧЖнинг самардорлик кўрсаткичлари таҳлили. Хулоса . Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

**5. Чизма ишлар рўйхати(чизмалар номи аниқ кўрсатилади):**

1. 1.2 -чизма. Таннархни пасайтиришининг асосий йўналишилари.  
2 "Жиззахавтеххизмат МЧЖнинг 2016-2018 йиллардаги техник иктиносидий кўрсаткичлари таҳлили 3. 2.1-чизма. " "Жиззахавтеххизмат" МЧЖнинг бошқарув структураси 4. 3.3-жадвал ""Жиззахавтеххизмат" МЧЖнинг 2016-2018 йиллардаги меҳнат ресурслари билан таъминланганлик кўрсаткичлари. 5 .3.2-жадвал "Жиззахавтеххизмат " МЧЖнинг 2016-2018

йиллардаги мекнам ресурслари таҳлили. 6. 3.1 жадвал.  
 "Жиззахавтхизмат" МЧЖнинг 2016-2018 йиллардаги молиявий  
 кўрсаткичлар таҳлили

Изоҳ: битирув малакавий ишини график қисми 5-6 вароқдан иборат бўлиши шарт.

#### 6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчилар:

№ Т№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф.и.ш.	Топшириқ берилганлиги хақида белги (имзо, сана)	Топшириқ бажарилганлиги хақида белги (имзо, сана)
1	Кириш	Бозорова С.А	Мабор	Мабор
2	Назарий қисм	Бозорова С.А	Мабор	Мабор
3	Иқтисодий таҳлил қисми	Бозорова С.А	Мабор	Мабор
4	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	Тиркашева М	Б. Асан	Б. Асан
5	Хулоса ва таклифлар	Бозорова С.А	Мабор	Мабор

#### 7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси:

№ Т№	Битирув иши боскичларининг Номи	Бажариш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлиги белгиси (имзо)
1	Кириш	15.01.2019-26.01.2019	Мабор
2	Назарий қисм	26.01.2019-04.05.2019	Мабор
3	Иқтисодий таҳлил қисми	06.05.2019-18.05.2019	Мабор
4	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	20.05.2019-25.05.2019	Б. Асан
5	Хулоса ва таклифлар	25.05.2019-05.06.2019	Мабор
6	Такризлар олиш	06.06.2019-20.06.2019	Мабор

Битирув малакавий иши раҳбари

Мабор

Бозорова С.А

Топшириқни бажаришга олдим

Р. Асан

Худоқулова С.Э

Топшириқ берилган сана

«20» 06. 2019 йил

Мунжарижа	бет
<b>КИРИШ.....</b>	<b>6</b>
<b>I-БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА МЕНЕЖМЕНТ САМАРАДОРЛИГИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ .....</b>	<b>8</b>
1.1 Хизмат кўрсатиш корхоналарда менжмент самарадорлигининг назарий-услубий асослари.....	8
1.2. Хизмат кўрсатиш корхоналарида бошқарув моҳияти, тамойиллари ва унинг ўзига хос хусусиятлари .....	19
1.3. Автотранспорт корхоналари хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириб самарадорлигини ошириш йўллари .....	32
<b>II-БОБ. “ЖИЗЗАХАВТОТЕХХИЗМАТ” МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТНИНГ ТАВСИФНОМАСИ.....</b>	<b>41</b>
2.1. “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг ташкил топиши ва бошқаруви.....	41
2.2. “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖ нинг 2016-2018 йиллардаги техник иқтисодий кўрсаткичлар тахлили.....	51
2.3 Хаёт фаолияти ва хавфсизлиги.....	55
<b>III-БОБ. “ЖИЗЗАХАВТОТЕХХИЗМАТ” МЧЖНИНГ 2016-2018 ЙИЛЛАРДАГИ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ</b>	<b>60</b>
3.1. ”Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг 2016-2018 йиллардаги меҳнат ресурслари самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар тахлили.....	60
3.2. «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖнинг 2016-2018 йиллардаги харажат ва даромадлари билан боғлиқлиги, молиявий натижалар тахлили.....	66
3.3 «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖ ва рақобатчи корхоналарни иқтисодий кўрсаткичларини солишишима тахлили.....	71
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>74</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>78</b>

## **АННОТАЦИЯ.**

**“Жиззах автотеххизмат МЧЖда бошқарув самардорлигини ошириш мавзусидаги битирув малакавий иши - 6 жадвални, 5 та расмни ўзида жамлаган 80 бет тушунтириш хатидан ташкил топган ва уни бажаришда 27 та манбаадан фойдаланган. Хизмат кўрсатиш корхоналарида корхоналарида бошқарувнинг такомиллашган усулларини ишлаб чиқиш тадқикот максади этиб белгиланган. “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖни техник-иқтисодий кўрсаткичларини тахлил қилиш бошқарув усулларини иқтисодий баҳолаш ва иқтисодий самара берадиган бошқарув усулларини тадбик этиш тавсия этилган.**

## **КИРИШ.**

Соҳа тараққиётининг бугунги ҳолати интеграциялашган глобал иқтисодий маконнинг узвий бир қисми бўлган республикамиз олдида транспорт тизими фаолиятини ҳам жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш, халқаро транспорт тизимига интеграциялаштириш, замонавий халқаро транспорт хизматлари бозори талаби даражасида ташкил этишни талаб этмоқда.

Хусусан “Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда. Бу ўринда асосий муаммо, менинг назаримда, қўйидагилардан иборат: Биринчидан, айрим идоралар ва уларнинг раҳбарлари реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан маълум даражада узилиб қолмоқда. Иккинчидан, тармоқ ва худудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишида юзаки ёндашувга йўл қўйилмоқда”<sup>1</sup>.

**Тадқиқот мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимизда ўтказилаётган бозор иқтисодиёти ислоҳотларининг муваффақияти, иқтисодиётдаги барча операциялар транспорт тармоқлари ва коммуникациянинг сифати билан кўпроқ боғлиқ бўлади. Транспорт тармоқларини такомиллаштириш иқтисодиётдаги мавжуд глобал муаммони ечиш билан тенглаштирилади. Ушбу фикрлардан келиб чиккан ҳолда, мавзусининг долзарблигини таъкидлаб, уни БМИ мавзуси сифатида танлаб олинишига асос бўлди.

**Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари** Тадқиқотнинг асосий максади – хизмат қўрсатиш соҳасида бошқарувнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва тавсия бериш. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун тадқиқот олдида қўйидаги вазифалар қўйилган:

- Миллий иқтисодиётда автомобил транспорт соҳасида бошқарув самардорлигини ошириш йўналишларини ишлаб чиқиш;
- Хизмат қўрсатиш соҳасини ривожланишини таҳлил килиш;

---

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажслисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь. Тошкент - «Ўзбекистон» 2017 й.

- Хизмат кўрсатиш ва автомобил транспорт соҳасини назарий асослари билан танишиш;
- Хизмат кўрсатишнинг худудлар буйича ривожланишини такомиллаштириш
- Миллий автомобил транспорт соҳаси ва хизмат кўрсатишни халқаро тармоққа интеграцияллашув йўналишларини таҳлил килиш.

**Муаммонинг ишлаб чиқилиши даражаси** Бугунги кунда транспорт хизматларининг иқтисодий мазмуни ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий хужжатларда ўз аксини топган. Шунингдек В.П.Бычков<sup>2</sup>, Е.П.Володин, Н.И.Громов<sup>3</sup>, Я.Ф.Гулев К.Лебединский<sup>4</sup>

**Тадқиқотда эришилган илмий ва амалий натижалар** Тадқиқотда келтирилган маълумотлардан Ўзбекистон автотранспорт корхоналарида сифатни бошқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш борасида мавжуд муаммоларни ҳал қилишда кенг фойдаланиш мумкин

**Тадқиқот предмети** Хизмат кўрсатиш корхоналарида бошқарув усуллари, бошқарувнинг самарадорлигини аниқлаш тадқиқотнинг предмети бўлиб хизмат қиласди.

**Тадқиқот обьекти.** Жиззах автотеххизмат МЧЖ битирув малакавий ишининг тадқиқот обьекти бўлиб ҳисобланади.

**Амалий аҳамияти** Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот ишининг ғояси хизмат кўрсатиш, транспорт корхоналарида бошқарув самарадорлигини истиқболли таклифларини ишлаб чиқиш, бошқарувнинг инновацион усулларини тадқиқ этиш, худудий ва мамлакат транспорт салоҳиятини ошириш борасида қабул қилинаётган қарорлар ҳамда автомобиль транспорт фаолияти муаммоларига оид илмий изланишларни олиб бориш, транспорт тизимида кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

---

<sup>2</sup> Бычков В.П.Предпринимательская деятельность на автомобильном транспорте:Питер 2004 г

<sup>3</sup> Володин Е., Громов Н.И. Организация и планирование перевозок автомобильным транспортом.Учебник.2004 г

<sup>4</sup> Гулев Я. Ф., Лебединский П.К Основные показатели и измерители работы транспорта: Справочник.М.1999 г

# **I-Боб. ХИЗМАТ КҮРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА МЕНЕЖМЕНТ САМАРАДОРЛИГИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Хизмат күрсатиши корхоналарда менежмент самарадорлигининг назарий-услубий асослари**

Ҳозир республикамизда рўй берадиган иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар инсоннинг турмушга, меҳнат фаолиятига бўлган рағбатини тубдан ўзгартирмоқда. Ҳозирги вақтда аҳолининг энг фаол табақалари шаклланмоқда, уларнинг иқтисодий манбаатлари мол-мулк эгалари ёки шериклари бўлишга интилиш, фойдадан улуш олиш, ишлаб чиқаришни бошқаришда шахсан қатнашиш, ўзи жамғарган сармоядан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш имконияти билан бевосита боғлиқдир. Инсон ўзини хўжайин деб ҳис этиши уни меҳнатга рағбатлантирадиган асосий омил бўлиб қолади. Ҳозирги вақтда меҳнат фаолиятига қизиқишнинг ижобий шакллари ривожланиб, аҳолининг гайрат-шижоати ва иқтисодий фаоллиги ошиб бораётганлиги иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятига умид туғдирмоқда. Меҳнат қилишга рағбатлантирадиган омилларнинг янги тизими шаклланиб, бу нарса одамларнинг иқтисодий майлида ўз ифодасини топмоқда. Моддий манбаатлари давлатга қарашли бўлмаган корхоналарда меҳнат қилиш ёки ўз корхонасини очиш истаги билан боғлиқ бўлган фуқаролар сони кўпайиб бормоқда.

Хусусан, «Мамлакатда бошқарувчи кадрлар фалокатли даражада этишмайди» - деб, шу соҳадаги Россиядаги холатни ифодалайди, А. Матвеев<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикаси олдида турган турли-туман иқтисодий ва ижтимоий масалаларни муваффақиятли эчилиши ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига амалга ошиши мумкин. Ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама самарадорлигини ошириш - замонавий

<sup>5</sup> Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. М.: Дело, 1998, стр. 123-128.

<sup>5</sup> Кому доверить бизнес. //Экономика и жизнь, 2003 г., январь, №2, - 32 с., стр.1.

иқтисодий тараққиётни принтсинал асосда, бозор муносабатларига қтишни ҳозирги босқичида муҳим иқтисодий масала ҳисобланади. Менежмент тизимини ишлаб чиқаришнинг асосий томонлари билан ўзаро бөглиқлигини ҳисобга олган ушбу ҳолатнинг аҳамияти ўсиб бораверади ва унинг иқтисодий самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун иқтисодий нуўтаи назардан қараганда, улар самарадорликнинг органик кисмидир.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишни умумий муаммолари бўйича олиб бориладиган изланишларда иқтисодий фан катга тажриба орттирган. Ўзбекистонда унинг муҳим томонлари С.К.Зиёдуллаев, И.И.Искандаров, К.И.Лапкин, К.Н.Бедринцев, А.А.Акромов, А.Х.Ҳикматов, М.Ш.Шарифхўжаев, Т.Е.Ергашев ва бошқаларнинг раҳбарлигига изланишлар ўтказилган. Аммо менежмент тизимининг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммоси ҳали тўлиқ ёритилмаган. Иқтисодчилар орасида унинг бир қатор назарий масалалари бўйича ягона фикр йўқ, яъни: хўжалик юритиш шароитларида замонавий менежментнинг самарадорлигини қандай тушунмоқ керак? Сифат ва сон билан менежмент фаолиятининг иқтисодий натижалариға қандай таъсир кўрсатиш мумкин? Менежмент билан боғлиқ бўлган харажатларни ва иқтисодий самарадорлигини қандай аниқлаш мумкин?

Дастлаб "самара" ва "самарадорлик" тушунчалари тўғрисида икки оғиз сўз. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида бу иборалар қуйидагича талқин этилган.

Дастлаб "самара" ва "самарадорлик" тушунчалари тўғрисида икки оғиз сўз. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида бу иборалар қуйидагича талқин этилган:

"Самара — бу натижа, оқибат, мева. Масалан, ижодий меҳнат самараси".

"Самарадорлик — бу кутилганича ёки ундан ҳам ортиқ самара. Самарали, сермаҳсул. Масалан, самарали меҳнат".

Иқтисодиётда "самара" — бу яратилган:

\* ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)

\* ялпи миллий даромад (ЯМД)

\* ялпи соғ маҳсулот (ЯСМ)

\* ялпи соғ даромад (ЯСД) кабиларда ўз аксини топади. Аммо биргина самаранинг ўзи киши фаолиятини тўлиқ ифодалай олмайди. Энг муҳими шу самарага қандай харажатлар орқали эришилганини аниқлашдир. Зеро, бир ҳил харажат қилиб турли самара олинини мумкин бўлганидек, бир ҳил самарага турли ҳил меҳнат сарфи туфайли эришиш ҳам мумкин.

Бошқарув фаолияти самарали ташкил этилмаганда эди, Миср эхромлари қурилмаган ва Вавилоннинг гўзал боғлари бунёд этилмаган, урушлар бўлмаган, шаҳарлар ва давлатлар пайдо бўлиб, гуллаб – яшнамаган бўлар эди<sup>6</sup>.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мақсади ҳам оз меҳнат, моддий ва пул маблағлари сарфлаб кўпроқ самарага эришишдир. Бу деган сўз эришилган самарани (С) сарфланган харажатга (Х) бўлиш керак. Бундай таққослаш самарадорлик (СД) нисбий кўрсаткичини беради.

$$C\vec{A} = \frac{\tilde{N}}{\tilde{O}}$$

Касрнинг маҳражи — бу абсолют микдорлар бўлиб, улар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида сарфланган:

<sup>6</sup> Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. М.: Дело, 1998, стр. 123-128.

\* ялпи меҳнат (ЯМ), \* ялпи хом-ашё (ЯХ) \* ялпи фондлар (ЯФ) \* ялпи инвестиция (ЯИ)лардир.

Самара ва самарадорлик тушунчаларига нисбатан бундай ёндашиш бошқариш обьектига, яъни яхлит ишлаб чиқаришга хосдир. Бошқариш самарадорлигини аниқлашда бу тариқа ёндашиш, албатта нотўғри бўларди. Чунки бу ерда асосий урғу бошқарилувчи обьект (корхона, фирма ва х.к.) самарадорлигига эмас, балки кўпроқ *бошқарув меҳнати самарадорлигига*, хусусан, бошқарув функцияларининг самарадорлигига берилади. (1.1-расм)

<b>Ресурслар</b>	<b>Бошқарув функциялари</b>	<b>Самара (ижобий)</b>
Материа ллар	-Алоқа	Ялпи сифатли товар ва хизматлар
Меҳнат	-Қарор қабул қилиш	Фойда ва харажатлар
Капитал	-Режалаштириш	Бандлик
Энергия	-Ташкил қилиш	Социал нафлар
Ахборот	-Мотивлаштириш	<b>Самара (салбий)</b>
	-Назорат қилиш	Яроқсиз товар ва хизматлар
		Молиявий заарлар
		Ишсизлик
		Социал нохушликлар

**1.1-расм. Бошқарув ресурслари ва самаралари**

Бошқарув борасидаги ва раҳбар бўлган шахсларга тавсия қилинадиган маслаҳатларни замонавий адабиётларда ҳам учратиш мумкин. Хусусан, С. Паркинсон, М. Рустомджи, К. Ховардлар ана шундай маслаҳатларни тўплаб, уларни маълум тамойиллар асосида гурухлашга харакат қилишган. Улар томонидан ишлаб чиқилган ана шундай гурухли маслаҳатлар раҳбарларга аниқ йўналишлар бўйича қўл келади<sup>7</sup>.

**Мезон (критерия)** — бу таққослаш ёки баҳолаш учун ўлчов, андазадир. Масалан, меҳнат — киши қадр-қимматининг мезонидир. Ёки аниқроқ мисоллар:

### 1.1-жадвал

Мезонлар

T/p	Мезонлар	Ҳисоблаш тартиби	ИЗОХ
1	Самарадорлик мезони	$\frac{\tilde{N}}{\tilde{O}} > 1$	С-самара X-мазкур самара учун сарфланган харажат
2	Интенсивлик мезони	$\frac{J_m}{J_{\hat{o}e}} > 1$	$J_m$ -меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати $J_{\phi k}$ -фонд билан қуролланишнинг ўсиш суръати
3	Иқтисодий барқарорлик мезони	$\frac{J_m}{J_{\hat{o}o\hat{o}}} > 1$	$J_{ix\phi}$ - иш ҳаққи фондининг ўсиш суръати
4	Давлат бюджетидаги тақчиллик мезони	$\frac{\hat{A}\hat{a}}{\hat{A}\hat{o}} = 0,97$	$B_d$ -бюджетнинг даромад қисми $B_x$ -бюджетнинг харажат қисми Бу тақчиллик 3-3,5% дан ошмаслиги керак
5	Эҳтиёжни қондириш мезони	$\frac{\hat{E}\hat{O}\hat{i}}{\hat{A}} > 1$	ИФ <sub>h</sub> -озик-овқат, кийим-кечак, оё кийим в хакозоларнинг жон бошига истеъмол қилиш меъёри А-стандартлашган аҳоли сони

<sup>7</sup> Паркинсон С.Н., Рустомджи М.К. Искусство управления. – М.: Агентство «ФАИР», 1997 и Ховард К., Коротков Э. Принципы менеджмента: Управление в системе цивилизованного предпринимательства. – М.: 1996.

Бошқарув меҳнати самарадорлигининг мезони қуидагича кўринишга эга:

$$\frac{\tilde{N}}{\hat{A}_{\delta}} \geq 1$$

Бу ерда,

C — самара.

B<sub>x</sub> — бошқарув харажатлари.

Бошқарув харажатлари:

- ахборот олиш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ харажатлар;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар;
- илмий ишланмалар, лойиҳалаш, тажриба ва серияли ишлаб чиқаришни ўз ичига оловчи босқичлар харажати;
- маҳсулотлардан фойдаланиш харажатларидан иборатdir.

Бошқача қилиб айгандан, бунга бошқарувнинг барча функцияларини бажариш билан боғлиқ харажатлар киради.

Кўрсаткич — бу бирор нарсанинг ривожи, ўзгаришини билдирувчи белги ёки нарсадир. Кўрсаткичлар мутлоқ ва нисбий кўринишларда бўлиши мумкин. Мутлоқ кўрсаткичлар аниқ шароитда содир бўлган воқеа ва ҳодисанинг миқдорини, ҳажмини, қийматини ифодалайди. Нисбий кўрсаткичлар эса у ёки бу мезоннинг интенсивлик даражасини тавсифлайди. Бошқарув объекти фаолиятини тавсифлаш учун қуидаги самарадорлик мезонлари қўлланилади:

### **Умумлаштирувчи мезонлар:**

- Ресурслар самарадорлиги max

- Харажатлар самарадораиги таx

### **Хусусмй мезонлар:**

- маҳсулот ишлаб ниқаришга энг кам жонли меҳнат сарфлаш;
- энг кам моддий ресурслар сарфлаш;
- энг кам молиявий ресурсларни сарфлаш.

### **Сифат мезонлари:**

- юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш;
- шартномаларни муддатида бажариш;
- ходисаларнинг барқарорлиги;
- рақобатбардош технологияга эришиш ва ҳ.к.

Бинобарин, бошқариш жараёни самарадорлигини ошириш берилган мезонлар ёки мезонлар тизимиға мувофиқ равишда бошқарувчи орган томонидан муайян натижага эришиш мақсадида аниқ объектни энг қулай, энг самарали бошқариш усулларини топишдан иборатdir.

Бошқармш субъекти фаолиятини тавсифлаш учун қуйидаги самарадорлик мезонлари қўлланилади:

**Бошқариш тизимидағи молиявий харажатларни тежаш.** Бошқариш аппарати харажатларининг камайиши бошқарилувчи тизим самарадорлигининг иқтисодий мезони бўлиши мумкин. Бу ўринда бошқарув аппарати штатларини оқилона қисқартириш, хизмат сафарларини камайтириш кабилар тежамкорликнинг мухим омиллари эканлигини таъкидлаш зарур.

**Бошқариш тизмида жонли ва буюмлашган меҳнатни тежаш.** Бу мезон кучларни энг кўп даражада тежаш ва меҳнатдан энг унумли фойдаланишни қўзда тутади. У сермеҳнат ишлар ва операцияларни қисқартиришда, моддий ва меҳнат воситаларини тежашда ифодаланади. Меҳнатни тежашга бошқарув таркиби ва технологияси жараёнларини

рационализациялаш, бошқарув аппаратидаги меҳнатни компьютерлаштириш йўли билан эришшади.

*Айрим операцияларни бажаршига ва бутун бошқарув жараёнига сарф бўладиган вақт.* Бу мезонда бош омил – вақтдир. Ахборот тўплаш ва уни қайта ишлашга, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни амалга оширишга сарф бўладиган вақтни ҳар томонлама қисқартириш, бизнес режани тузишга кетадиган вақтни қисқартириш, тезкор топшириқларни етказиш муддатини тезлаштириш, фаолият натижаларини менежерлик ёки баҳолаш билан иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Қайд қилинган мезонларнинг ҳар бири мазкур давр учун иқти-садий сиёсатда белгиланган мақсадлардан, корхона ёки тармоқ-нинг аниқ иш шароитлари эътиборга олингани ҳоллд бошқарув фаолиятига баҳо бериш учун танлаб олиниши керак. Бошқарув тизимининг турли вазифаларини қақсадга муафиқлаштириш учун ҳам мезон танланади.

*Бошқарув самарадорлиги кўрсаткичлари.* Бошқариш самарадорлиги ўз табиати билан мураккаб жараён. Уни фақат битта ёки иккита кўрсаткич билан ифодалаб бўлмайди. Бунинг учун кўрсаткичлар тизими зарур. Бу тизимни иккита йирик гурухга бўлиш мумкин:

Бошқариш тизими фаолиятит тавсифловчи миқдорий кўрсаткичлар, яъни;

- бошқарувдаги жонли меҳнатнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- бошқарув учун сарфланган молиявий ресурсларнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- бошқариш учун сарфланадиган вақтни тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Бошқарувнинг самарадорлигини тавсифловчи сифат кўрсаткичлари, яъни:

- бошқаришнинг илмий-техник даражисини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- бошқарув аппарати ходимларининг малакаси даражаси тавсифловчи кўрсаткичлар;
- қабул қилинган қарорлар самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- бошқарув жараёнидаги ахборотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигшиб ифодаловчи кўрсаткичлар;
- бошқариш маданиятини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- коммуникациянинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- бошқарув аппаратидаги меҳнат шароитини тавсифловчи кўрсаткичлар ва х.к.

Шундай қилиб, бошқарув самарадорлигига баҳо бериш учун жуда кўп турли-туман миқдорий ва сифат кўрсаткичлари қўлланилади. Ҳар бир кўрсаткични қуидаги тарзда таққослаш керак:

- бирор давр ҳақиқий кўрсаткичларини режадаги, нормативдаги кўрсаткичлар билан;
- жорий давр ҳақиқий кўрсаткичларини ўтган даврлар кўрсаткичлари билан;
- бир корхона ҳақиқий кўрсаткичларини бошқа корхона ҳақиқий кўрсаткичлари билан.

Шундагина иқтисодий таҳлил ҳам макон, ҳам замон нуўтаи назардан амалга оширилган бўлади.

Бошқариш самарадорлиги ўз табиати билан мураккаб жараён. Уни фақат битта ёки иккита кўрсаткич билан ифодалаб бўлмайди.

Бунинг учун кўрсаткичлар тизими зарур. Бу тизимни иккита йирик гурухга бўлиш мумкин:

Бошқариш тизими фаолиятини тавсифловчи миқдорий кўрсаткичлар, яъни:

- бошқарувдаги жонли меҳнатнинг тежалашини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- бошқарув учун сарфланган молиявий ресурсларнинг тежалишини тавсифловчи;
- кўрсаткичлар;
- бошқариш учун сарфланадиган вақтни тежалашини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Бошқарувнинг ижтимоий самарадорлигини тавсифловчи сифат кўрсаткичлари, яъни:

- бошқаришнинг илмий-техник даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- бошқарув аппарати ходимларининг малакаси даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- қабул қилингаан қарорлар самарадорлигини тавсиф-ловчи кўрсаткичлар;
- бошқарув жараёнидаги ахборотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлилигини ифодавловчи кўрсаткичлар;
- бошқариш маданиятини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- коммуникатсиянинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.
- бошқарув аппаратидаги меҳнат шароитини тавсифловчи кўрсаткичлар ва ҳ.к.

Шундай қилиб, бошқарув самарадорлигига баҳо бериш учун жуда кўп турли туман миқдорий ва сифат кўрсаткичлари қўлланилади. Ҳар бир кўрсаткични қўйидаги тарзда таққослаш керак:

\*бирор давр ҳақиқий кўрсаткичларини режадаги, нормативдаги кўрсаткичлар билан;

\*жорий давр ҳақиқий кўрсаткичларени ўтган даврлар кўрсаткичлари билан;

\*бир корхона ҳақиқий кўрсаткичларини бошқа корхона ҳақиқий кўрсаткичлари билан.

Менежмент тизимининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш муаммосини эчиш асосларининг мухим услубларидан бири, энг аввал ишлаб чиқариш самарадорлига тоифасини бозор муносабатлари шароитида тўғри тушунишдан иборатдир. Бу масала мулоҳазалидир.

«Ишлаб чиқариш самарадорлиги» тушунчасини аниқлаш масаласида ҳозирча аниқ фикр йўқ. Масалан, бир қатор нашрларда «ишлаб чиқариш самарадорлиги» деганда (жамоа ишлаб чиқаришини, яъни ташкилий-техник тадбиркорларини, маҳсулот сифатини оширишни, ишлаб чиқаришни бошқариш ва ҳоказоларни) факат иқтисодий томони тушунилади. Биз бу каби нуўтаи назарни нотўғри деб ҳисоблаймиз, чунки бу тушунча факат иқтисодий жараённи эмас, балки механик, кимёвий, биологик, ижтимоий ва бошқа жараёнларни баҳолашда ҳам ишлатилади.

Бошқа сўз билан айтганда самарадорлик (енг кенг маънода) бу ишни пировард натижаси (ҳаракат, фаолият, ҳукм сурин), у жамоат амалиётининг ўлчовига айланади, айниқса ишлаб чиқаришни. Ишлаб чиқариш самарадорлиги - бу таъсирнинг маҳсули, масалан фан ва техникани охирги ютуқларини жорий қилиш факат иқтисоднигина эмас, балки ижтимоий, сиёсий ва жамият ҳаётидан бошқа томонларини, меҳнат жамоасини, ҳамда унинг алохида аъзоларини ўз ичига олади.

Шунга яраша биз менежмент тизимининг самарадорлиги унинг ҳукм сурини натижасида эришиладиган манфаатни акс эттиради, деб ҳисоблаймиз Аммо факат хулоса натижалари асосида самарадорлик савиясини аниқлаш қийин, чунки бу менежмент ҳаракатининг охирги натижаси ҳисобланади, уни даврида кўзланган мақсадга аниқ ҳаражатлар ҳисобига эришиш таъмин

етилади. Шундай экан, ишлаб чиқариш самарадорлиги унинг иқтисодий самарадорлигига қараганда кенгрөс ва кенг қиррали маънога эга. Шунинг учун менежмент тизимида яратиш, жорий қилиш, хукм суриш, тараққий топиш ва такомиллашишни иқтисодий томонини қўриб чиқишида ишлаб чиқаришни турли бўйсуниш тартибида биз «Иқтисодий самарадорлик» тушунчасидан фойдаланамиз.

## **1.2. Хизмат кўрсатиш корхоналарида бошқарув моҳияти, тамойиллари ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

Бошқарув фани бозор иқтисодига асосланган ривожланган демократик мамлакатларда то ҳозиргача ривожланиб, моҳияти ойдинлашиб ўз тамойилларга эга бўлиб бормоқда. Ана шу масалаларда бир қатор мактаб вакиллари ва уларнинг қарашлари мавжуд бўлиб мамлакатимизда бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш учун уларни ўрганиш ва моҳиятига тўғри баҳо бериш муҳим деб ҳисоблаймиз. Шундай қарашларга эга бўлган бир мактаб вакиллари - Эмерсоннинг ўн икки тамойили номи билан танилгандир.

Бошқарувни такомиллаштириш борасида олиб борилган Эмерсон ишларининг асосий йўналишлари ишчиларни эмас, балки бошқарувчиларнинг меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган бўлган. Табиий бойликлар талон-тарож қилиниши, улардан ноақилона фойлдаланиш ва инсон имкониятлари бой бериладиган сабабларнинг асоси - нотўғри ташкилотчиликда деб у ҳамиша алоҳида таъкидлаган<sup>8</sup>.

Эмерсон назариясига мувофиқ, заводдаги уста фақат ўз бошлиғи ишини енгиллаштириш учун эмас, балки ишчиларга раҳбарлик қилиш учун ишлайди, тақсимотчи – директор паст бўғин бошлиқларига хизмат кўрсатиш учун ва ҳ.к., яъни, у биринчи бўлиб меҳнатни бошқаришнинг мақсад ва моҳиятини англаб етди. Олиб борилган тадқиқот натижалари сифатида

---

<sup>8</sup> Научная организация труда и управление. - М.: Экономика, 1965.

Эмерсон томонидан таклиф этилган қуидаги ўн икки тамойил моҳияти ҳозирги кунда ҳам ўз долзарбилигини йўқотгани йўқ<sup>9</sup>:

## 1.2 - жадвал

Т.р	Мезон	Моҳияти
1.	<i>Мақсаднинг аниқ аниқ белгилаб олинини</i>	Келишилган мақсадлар ва шу борада тўғри йўналтирилган кўрсатмалар катта натижаларга эришишга имкон беради. Келишилмаган мақсадлар катта йўқотишларга олиб келади.
2.	<i>Соғлом фикр</i>	Ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида тонналар ортидан қувиш, бизнесга катта капитал киритишига интилиш эмас, балки ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш, соғлом фикр асосида ташкилот муаммоларини ечиш ётиши лозим.
3.	<i>Батофисил (компетентлии) маслаҳат</i>	Эмерсон ҳар бир корхонада “барча бўлинмаларда бошқарувни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи” бўлим ташкил этишини таклиф этган. Эмерсоннинг бу қоидаси замонавий корхоналарда менежмент ролини тушунишда тўлиқ мос келади.
4.	<i>Интизом</i>	Бу борада тегишли йўриқномалар мавжуд бўлиши ва ҳар бир ишчи уни билиши ва бажариши лозим. Ундан бўйин товлаш – анархияга томон қўйилган қадам бўлади.
5.	<i>Персоналга нисбатан адолатли муносабат</i>	Ишчилар яхши меҳнат шароитлари, иш ҳақларини ошириш, доимий равища малакаларини ошириш имкониятлари таъминланган бўлиши лозим. Ишлаб чиқаришда яхши меҳнат муносабатлари таъминланган бўлиши лозим. Ишчилар қаттиқ танлов асосида олиниши ва бунда уларнинг ишга мойиллиги ва қобилиятлари ҳисобга олинади.
6.	<i>Тез, ишончили, тўлик, аниқ ва доимий ҳисоб</i>	Эмерсон агар кимда ким маҳсулотларнинг миқдори, нархлари, самарадорлигини ҳисобини юритса, юқори унумдорликка эришиши ва ба бошқа тамойилларни бажариши мумкин.
7.	<i>Диспетчерлик</i>	Диспетчерлик – бу режалаштиришнинг бир қисмини ўзида намоён этади. Амалиётнинг кўрсатишича, ишни режалаштириб, унга диспетчерлик қиласликдан, ҳаттоқи режалаштирилмаган ишга диспетчерлик қилиш яхшироқдир.
8.	<i>Меъёрлар ва иш режими</i>	Меъёrlаш унумдорлик заҳираларини аниқлаш ва йўқотишларни камайтириш устида ишлашга имкон беради.

<sup>9</sup> Эмерсон Г. Двенадцать принципов производительности труда. – М.: Экономика, 1972.

		Оқилона меҳнат меъёрларини аниқлаш барча операцияларнинг хронометражи, самарали режалаштириш, психологлар, физиологлар ва бошқа мутахассислар иштироқида амалга оширилиши лозим.
9.	<b>Шароитларни меъёрлаштириши</b>	Шароитларни меъёрлаштирилиши аниқ ва тўлиқ ҳисоб, шунингдек ишларни режалаштириш учун зарурдир. У ҳозиргисини билиш асосида келгусидагисини ҳисоб-китоб қилишни таъминлайди.
10.	<b>Операцияларни меъёрлаштириши</b>	Операцияларни меъёрлаштириш бир томондан, ишлаб чиқаришда автоматлаштиришни жорий қилиш орқали ишлаб чиқаришни стандартлашга имконият яратса, иккинчи томондан операцияларни бажарилишида вақтни меъёрлашга кўмаклашади.
11.	<b>Ёзма стандарт йўриқномала.</b>	Эмерсоннинг фикрича, ёзма стандарт йўриқномалар тўплами қонунлар ва корхона амалиётини кодификацияси ҳисобланади. Бу корхонада эришилган муваффақиятлар ёзма равишда мустаҳкамланиши учун зарурдир. Стандарт йўриқномалар ташаббусни ўлдиради деган фикр хатодир. Аксинча, энг тез ва енгил усуллар ёрдамида ўта мураккаб операцияларни бажарилиши, кашфиётлар ва янги усулларни ишлаб чиқиш учун мияга имконият беради. Эмерсоннинг кўпчилик қоидалари, биринчи бўлиб немис социологи Макс Вебер томонидан таклиф этилган бюрократик ташкилий тузилмалар билан уйғунлашади.
12.	<b>Унумдорлик учун мукофот.</b>	Ишдаги яхши натижалар учун рағбатлантириш ва иш ҳақини оширишнинг тизимининг йўқлиги унумдорликнинг пасайишига олиб келади. Ишчиларни рағбатлантириш учун иш ҳақидан ташқари, рағбатлантиришнинг бошқа шаклларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Кичик бизнес ҳамда тадбиркорликнинг барча субъектлари учун Мамлакатимиз раҳбари томонидан корхоналарни бошқариш жараёни, уларда ишни ташкил қилиш, бозорга ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлари, ишлари, хизматларини олиб чиқиш, қолаверса чет мамлакатларга юқори қийматли ва сифатли (юқори истеъмол қиймтага эга бўлган) маҳсулотларини чиқариш борасидаги жуда кенг қамровли йўналиш берилган тамойилларига қайта-қайта мурожаат қилишлари ва ўз амалий фаолиятларида дастурил амал қилишлари лозим деб ҳисоблаймиз.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида бошқарувни ташкил қилиш борасида мұхим амалий аҳамиятта эга бўлган ва умуман, бошқарув фанининг фан сифатида шаклланишида Анри Файолнинг (1841-1925 йй.) хизматлари ҳам ҳам катта аҳамиятта эга. Анри Файолнинг ўзи жуда кўп ийллар (таксинан 30 йилдан ортиқ давр мобайнида) Франциядаги йирик тогкон ва металургия компаниясини бошқарган. У компанияни банкротлик арафасида қабул қилиб, ўзидан кейин энг йирик француз компанияларини қолдирди. Ижодий фикрларнинг катта амалий тажрибалар билан уйғунлашиб кетиши ва ташкилотни бошқариш соҳасида экспериментлар олиб бориш имкониятлари бошқарувга доир қарашларнинг ривожланишида сезиларли туртки бўлган.

У илмий ишларида кўтарган масалалар моҳиятини очища ўзи ишлаётган битта компания доирасида чекланиб қолмади, аксинча ўз гояларини бошқарув объекти бўлган ихтиёрий ташкилотга тарғиб қилди.

Анри Файолнинг бошқарув фани олдидаги мұхим ҳиссаси – у биринчи бўлиб “бошқарув” тушунчасига аниқ таъриф берди: Бошқариш – корхонада мавжуд бўлган барча ресурслардан максимал даражада фойдаланган ҳолда, корхонани мақсадлари сари етаклашдир.

Файол бошқарилиши зарур бўлган корхона фаолиятини 6 та соҳага ажратади:

### 1.3.-жадвал

Т.р	Корхона фаолияти соҳалари	Моҳияти
1.	<b>Техник</b>	Технологик ва техник йўналишда
2.	<b>Тижорат</b>	Харид қилиш, сотиш ва айирбошлиш
3.	<b>Молиявий</b>	Капитал излаш ва ундан самарали фойдаланиш

4.	<b>Ҳимоя</b>	Шахс ва мулкни ҳимоялаш
5.	<b>Бухгалтерия</b>	Инвентаризация, баланс, харжатлар, статистика ва активлар ҳисоби
6.	<b>Маъмурий</b>	Фақат шахсий таркибга тегишли, материаллар ва механизмларга ҳеч қандай алоқаси йўқ

Шу билан биргаликда, А. Файол бошқарув тамойилларини мутлоқ эмас, балки ижодий ёндошувни талаб этадиган эгилувчан деб ҳисоблаган.

Файолнинг хизматлари шундаки, у – бошқарувчи бўлиш учун фақат муҳандислик тайёргарлиги сирларини билиш етарли эмас деб таъкидлайди. Яхши бошқарувчи бўлиш учун ва корхонани самарали бошқариш учун - бошқарувни профессионал даражада ўрганиш ёки бошқача қилиб айтганда, менежментни ўрганиш зарур, деган холосага келади Анри Файол<sup>10</sup>.

Корхонани бошқариш борасидаги Файол томонидан эътироф этилган зарурий тамойиллар қуидагилардир:

#### 1.4-жадвал

Т.р	Мезон	Моҳияти
1.	<b>Ҳокимият жавобгарликдан ажралмасдир</b>	Буйруқ ва фармойишлар берадиган кишилар, ўз буйруқ ва фармойишларининг оқибатлари учун жавобгардирлар.
2.	<b>Ихтисослашган меҳнат тақсимоти</b>	Меҳнатнинг барча турлари учун ҳам меҳнат тақсимоти амал қилиши керак. Бу барча шароитлар бир хилда бўлган холатда кўп ва сифатли ишлаб чиқаришга имкон беради.
3.	<b>Фармойишнинг ягоналиги</b>	Ишчи битта бошлиқдан фармойиш олиши керак.
4.	<b>Интизом</b>	Интизом самарадорликни оширишга қаратилган

<sup>10</sup> Файоль А. Общее и промышленное управление. – Л.: «М»., 1924

		келишувларни ҳурмат қилиш, мансублик, тиришқоқлик ва ташқаридан ҳурмат қилиш. Интизом раҳбарлар ва оддий ходимлар учун ҳам мажбурийдир.
5.	<b>Ягона раҳбарлик</b>	Ҳар бир ишда қўйилган мақсадга эришиш учун жавобгар бўладиган битта бош керак. Фақат тавсиялар ишлаб чиқиш жамоавий бўлиши мумкин.
6.	<b>Якка ҳоҳшининг умумий манфаатларга бўйсуншии</b>	Ходим ёки ходимлар гурухининг манфаатлари ишнинг манфаатидан устун бўлиши мумкин эмас. Агар жамоа ичида тарқоқлик сезилса, у ҳолда раҳбар ягона қарор қабул қилинишини таъминлаши керак.
7.	<b>Мукофотлаши</b>	Файол мукофот адолатли бўлиши ва ходим ҳамда иш берувчини қаноатлантириши лозим деб ҳисоблайди.
8.	<b>Марказлашув</b>	Самарали ишлаб чиқариш меҳнат тақсимоти ва марказлашган бошқарувнинг уйғунлашуви орқали таъминланади. Марказлашув даражаси корхонанинг ҳажми ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин. Одатда, кичкина корхоналарда марказлашув даражаси юқори, анча йирик корхоналарда эса, бирмунча кучсизроқ бўлади.
9.	<b>Иерархия</b>	Ҳар бир корхонада аниқ белгиланган юқори тоифадан пастга қараб “бошлиқлар занжири” амал қилиши лозим. Уни бекорга бузиш керак эмас. Лекин, агар у зарар келтирса, у ҳолда уни қисқартириш мақсадга мувофиқдир.
10.	<b>Тартиб</b>	Ҳамма нарсанинг ўз жойи белгиланган бўлиши ва ҳамма нарса ўз жойида туриши лозим. Бошқача қилиб айтганда, мақсадга эришиш жараёнида кучлар аниқ қўйиб чиқилиши ва уларни ўзаро ҳаракатлари аниқ бўлиши кўзда тутилади.
11.	<b>Адолат</b>	Оддий ходимларнинг ишга нисбатан садоқати ва қобилияти раҳбарият томонидан очик ва адолатли муносабат билан қарши олиниши лозим.

12.	<b>Персоналнинг барқарорлиги</b>	Кадрлар қўнимсизлиги одатда, корхона фаолиятининг етарлича самарали эмаслигидан далолат беради. Самарали фаолият юритаётган корхоналарда одатда, персонал таркиби барқарор бўлади.
13.	<b>Ташаббус</b>	Ташаббус корхона фаолиятида ходимнинг имкониятларини янада тўлароқ рўёбга чиқаришга кўмаклашади.
14.	<b>Корпоративлик</b>	Файлол корхонани бошқаришда “бўлиб ол ва хукмронлик қил” деган тамойилга маҳкам ёпишиб олишни маслаҳат бермайди. У корхона фаолиятида ягона мақсадга эришишда жамоа интилишларини таъминлайдиган жамоа тамойили мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблайди.

Битирув иши натижасида ўрганилган мактаблар тажрибаси бошқарув тўғрисидаги фаннинг асослари шундай яратилганлигини, бошқарув назарияси ва амалиёти шундай юзага келганлигини ва ривожланганлигини кўрсатади. Ана шу йўналишнинг ҳар бирини мустақил тарзда ўрганиш ва уларнинг илмий натижаларини алоҳида-алоҳида “бошқарув мактаби” номи билан амалий фаолиятга тадбииқ этилса натижалари ихтиёрий олинган корхонада бошқарувни энг самарали тарзда ташкил қилиш учун дастлабки асосларни яратади.

Ана шундай илмий бошқарув мактабининг (1885-1920 йй.) ёрқин намоёндалари сифатида Тейлор, Френк, Лилия Гилбертлар ва Генри Гантлар тавсияларини ўрганиш мумкин. Ушбу мактабнинг асосий хизмати улар фаннинг назариясини яратдилар, тамойилларини асосладилар ҳамда биринчилардан бўлиб исботладиларки: бошқариш – мустақил мутахассислик, агар хозирга қадар бўлганидек, ишларни режалаштириш ва бошқариш билан бу ишларни бевосита бажарувчилар эмас, балки бу ишларни профессионал

даражада бошқаришни биладиганлар шуғуллансалар, натижада фактаткорхона ютади<sup>11</sup>.

«Неоклассик» мактаб номини олган олимлар ишлари асосида самарали бошқарилаётган корхоналарнинг асосий элементи сифатида инсон омилини англаш ётади. Унинг ёрқин намоёндалари – менежментга бошқа одамлар ёрдамида ишларни бажариш деб таъриф берган Мэри Паркер Фоллетт ва Элтон Мэйодир. Элтон Мэйо аниқ ишлаб чиқилган иш жараёнлари ва яхши иш ҳақи ҳар доим ҳам меҳнат унумдорлигини ошишига олиб келмаслигини исботлаган.

Ана шу мактабнинг асосий назарияси моҳияти - инсон муносабатларини бошқаришнинг самарали усулларидан фойдаланиш хисобланади<sup>12</sup>.

Бихевиоризм мактаби (1950 йилдан ҳозиргача) намоёндалари Крис Анджерис, Ренсис Лайкерт, Дуглас Мак-Грегор ва бошқалар асосий эътиборни ижтимоий ўзаро ҳамкорлик, мотивация, авторитет ва ҳокимиятнинг характеристики, лидерлик, коммуникациялар, меҳнатнинг моҳияти ва сифатининг турли аспектларига қаратганлар.

Айнан мана шу мактаб вакиллари «бихеворизмнинг тўғри қўлланилиши корхона, ходим ва умуман самарадорлик гаровидир» деб хисоблайдилар<sup>13</sup>.

*«Сонли ёндошув» мактаби назарияси моҳияти<sup>14</sup>*

Сонли усулларга асосланган мактаб (1950 йилдан ҳозиргача) бошқариш жараёнларини моделлаштиришга асосий эътиборни қаратади.

Модел у ёки бу даражада вазиятни тасаввур этиш мумкин бўлган, вазиятни оғзаки тасвирилашни математик формулалар кўришишида ифодаланадиган қонуниятларга алмаштириш имконини беради.

<sup>11</sup> Литвак Б.Г. Разработка управленческого решения. – М.: Дело, 2000. –392 с.

<sup>12</sup> Литвак Б.Г. Разработка управленческого решения. – М.: Дело, 2000. –392 с.

<sup>13</sup> Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. М.: Дело, 1998, стр. 55-79.

<sup>14</sup> Мильнер Б.З. Теория организаций. – М.: ИНФРА – М, 1998.

Моделлаштириш - фаннинг бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқ бўлган янги йўналиши пайдо бўлишига олиб келди. Буларга жараёнларни тадқиқ этиш, тизимли таҳлил, чизиқли ва сонли дастурлаш, динамик дастурлаш, ўйинлар назарияси ва бошқалар киради. Айнан мана шу моделлаштиришнинг бошқарувни ташкил қилишдаги аҳамияти айнан ҳозирги ривожланиш босқичидаги кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун аҳамияти бекиёсdir. Сабаблари орасидаги энг асосийси – бу бозор муносабатларининг тобора эркинлашуви ва рақобатнинг кучайиши шароитида айнан бир масалага кўп вариантли ёндашиш зарурияти, аникроғи турли хил қарорлар ва альтернатив қарорлар қабул қилиш заруриятиниг келиб чиқишидир. Ана шу кўп вариантлар орасидаги қарорлар орасидан энг самаралисини танлаб олиш ва унинг эҳтимолларини ўз ҳоҳишига бўйсиндира олиш учун бошқарувда моделлаштириш имкониятини ҳозиргача биронта усул боса олганича йўқ. Шунинг учун ҳам бу мактаб вакиллари тавсиясиннинг амалий аҳамияти катта деб ҳисоблаймиз.

«Жараёнли ёндошув» мактаби назарияси моҳияти<sup>15</sup>.

Бу мактаб назарияси моҳиятига кўра, бошқарув - мақсадларга эришишга йўналтирилган ўзаро боғлиқ узлуксиз ҳаракатлар йигими сифатида қаралади.

Ана шу мактаб вакиллари «бошқарув жараёнларини ташкил этувчи ҳаракатлар бошқарув функциялари деб аталади» деб бошқарув функциясига асос солишади<sup>16</sup>.

Деярли барча муаллифларнинг асарларида учрайдиган умумлашган бошқарув функцияларини улар биринчи марта қуўидагича гурухлаштиришади: режалаштириш; ишларни ташкил этиш; мотивация; назорат.

---

<sup>15</sup> Мильнер Б.З. Теория организаций. – М.: ИНФРА – М, 1998

<sup>16</sup> Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. М.: Дело, 1998, стр. 55-79.

Бу асосий бошқарув функциялари коммуникациялар ва қарорлар қабул қилиш каби ҳаракатлар орқали ягона бошқарув жараёни билан боғланади.

Бошқарувнинг мана шу мактаб гурухига киритилган режалаштириш функцияси қурилиш корхоналарининг мақсадлари ва уларга эришиш йўлларини аниқлашнинг асосий йўналишларини белгилаб беришга хизмат қиласди. Режалаштириш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб қурилиш корхоналарининг ҳолатини, унинг молия соҳасидаги кучли ва кучсиз томонларини таҳдил қилиш, маркетинг, ишлаб чиқариш, илмий ва тажриба – конструкторлик ишланмалари, кадрлар таъминоти, асосий ресурслар билан таъминланганлиги ҳисобланади.

Режалаштириш жараёнида якунловчи ҳаракат бўлиб қўйилган мақсадларга эришишнинг аниқ йўлларини аниқлаб олиш ҳисобланади. У ишларни асосий босқичларини ва технологик кетма-кетликларни, бажарилиш муддатларини, кўзда тутилган барча ишларнинг ижрочиларини, бу босқичларни таъминлаш ресурсларини аниқлаб олишларни ўз ичига олади.

Курилиш корхонаси самарали бошқарилган бўлиши, унинг таркибига кирувчи ходимлар ва ажратилган ресурслар ёрдамида мақсадга эришиш таъминланиши учун самарали ташкил этилган бўлиши лозим.

Ишларни ташкил қилиш қурилиш корхоналарининг барча тизимларини таркибий тузилиши жихатдан кўриб чиқищдан бошланади: унинг асосий элементларини ажратиб кўрсатиш ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш лозим бўлади.

Курилиш корхоналари тузилмаси режада кўзда тутилган ишларни бажариш, унинг аъзолари ўртасида вазифаларни (мажбуриятларни) тақсимлаш, ишларни бажариш учун ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиши таъминлаши лозим.

Курилиш корхоналари тузилмаси асосида – корхона олдида турган мақсадларга эришиш бўйича ҳаракатларни тизимлаштирилиши ётади.

Мотивация бошқарув жараёнининг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Мотивация ёрдамида режада кўзда тутилган топшириқларни бажарилиши ва раҳбар томонидан ходимга берилган ваколатларни амалга оширилиши таъминланади.

Бошқарувни ташкил қилиш борасидаги деярлик барча мактаб вакиллари қарашларида, XVIII асрнинг охирларидан бошлаб XX асргача, ходимлар учун мотивация муаммоси оддий ечилади деб саналган, яъни ходим қанча кўп ишласа, шунча кўп ҳақ олади. Лекин, мотивация муаммосини кейинчалик ўрганишлар шуни кўрсатдики, иқтисодий рағбатлантириш фақат ходимни ўз ишига бўлган муносабатини аниқлайдиган мотивлардан бири ҳисобланади. Аслида эса, мотивация эҳтиёжларнинг мураккаб тўпламини ҳисобга олиши лозим ва яхши иш шароити мавжуд бўлганда ушбу эҳтиёжларни қондирилишини таъминлаган ҳолда ходимларни мотивациялаш мумкин бўлади.

Бизнес – режада белгиланган ишларни бажариш жараёнида ички ёки ташқи шароитларни жиддий ўзгариши рўй бериши мумкин. Масалан, қонунчилик, бозор конъюнктураси ўзгариши мумкин, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини кескин ошириш имкониятини берадиган янги технологиялар пайдо бўлиши мумкин.

Узоққа мўлжалланган стратегик мақсадларни кўзлайдиган қурилиш корхонаси рўй бераётган ўзгаришларни дарҳол пайқайдиган тескари алоқанинг самарали амал қилувчи механизмига эга бўлиши лозим.

Бу эса факт назорат орқали амалга оширилиши мумкин. Назорат - бошқарув функцияси сифатида ташкилот томонидан қўйилган мақсадларга эришишни таъминлашни назарда тутади.

Бошқарув функцияларини самарали амалга ошириш учун қарор қабул қилиш ва коммуникациялар каби боғловчи жараёнлар зарурдир.

Барча бошқарув функцияларини амалга ошириш чоғида қарорлар қабул қилинади, чунки режалаштириш, ташкиллаштириш, мотивация ва назорат қилиш чоғида бошқарув қарорларини қабул қилиш зарур. Ҳақиқатан ҳам, тегишли қарор қабул қилмасдан юқорида санаб ўтилган бошқарув функцияларини бирортасини ҳам амалга ошириб бўлмайди.

Қарор қабул қилиш чоғида раҳбарнинг олдида иккита масала туради: қарорнинг мумкин бўлган вариантларини ишлаб чиқиш ва улардан яхшисини танлаб олиш.

Бизнинг назаримизда, бугунги кунда бошқарув қарорларини қабул қилиш бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг асосий муаммоларидан биридир.

Ахборотлар бошқарув қарорларини қабул қилиш чоғида муҳим рол ўйнайди. Бошқарув ахборотлари олинадиган ёки узатиладиган жараён коммуникация дейилади.

Кўриниб турибдики, коммуникация жараёнларисиз, ахборотни бошқарув субъектидан бошқарув обьектига узатишларсиз ва аксинча, узатилаётган ахборотлар тўғри тушунилмаслиги натижасида бошқарув тизимининг иши самарали бўлиши мумкин эмас.

Коммуникациялар мавжуд бўлмаса, хоҳлаган ташкилотда одамлар гуруҳини бирлаштирувчи умумий мақсадлар ҳақида келишиб олиш мумкин эмас.

Коммуникацияларсиз на режалаштириш, на ташкиллаштириш, на мотивация ва на назорат бўлиши мумкин эмас.

Агар фақат ахборотларни узатишнинг техник муаммолари одатда, айрим қийинчиликларни келтириб чиқармаса, у ҳолда узатилаётган бошқарув ахборотларини тақдим этишнинг анча тушунарли ва самарали усулини танлаш, кўпинча бошқарув тизимини самарадорлигини белгилаб беради.

Бошқарув жараёнида вужудга келган ҳолатга вазиятли ёндошувни тўрт қадамли жараён кўринишида қўйидагича ифодалаш мумкин:

1. Раҳбар профессионал бошқарувнинг усул ва технологиялари билан таниш бўлиши лозим. У бошқарув жараёни, якка ва гурухли ҳолатлар, тизимли таҳлил, режалаштириш ва назорат усуллари, қарорлар қабул қилишдаги сонли усуллар тўғрисида тасаввурга эга бўлиши керак.
2. Бошқарув услубиёти ўзининг кучли ва кучсиз томонларига эга, қарор қабул қилишдаги турли вазиятларда улар ҳар хил самара беради. Вазиятли таҳлил қилишга киришаётганда у ёки бу тавсияларга мувофик, бошқарувчилик таъсирининг бўлиши мумкин бўлган натижаларини олдиндан кўриш лозим.
3. Вазиятни тўғри тушуниш ва интерпритация қилиш зарур, воқеаларнинг ривожланишига ҳал қилувчи таъсир қўрсатувчи омилларни тўғри аниқлай олиш ва анча таъсирчан омилларни алмашишига олиб келувчи ўзгаришларни олдиндан кўра билиш керак.
4. Тизимли ёндошувдан фойдаланган ҳолда қарор қабул қилинаётган маълум вазиятда энг кам салбий натижа берувчи бошқариш йўлларини топиш ва умуман бирмунча самарали усуллар ёрдамида корхона олдида турган мақсадларга эришишни таъминлаш зарур.

Бошқарув қарорларини ишлаб чиқиши бошқарувнинг асосий функциялари: режалаштириш, ташкил этиш, мотивация, назоратни боғловчи муҳим жараён ҳисобланади. Айнан, ҳар қандай корхонанинг раҳбари томонидан қабул қилинадиган қарор, нафақат унинг фаолияти самарасини белгилайди, балки барқарор ривожланиш имкониятлар, тез ўзгараётган замонда яшовчанлигини ифодалайди.

Самарали қарорлар қабул қилиш – қурилиш корхоналарининг самарали фаолият кўрсатиши ва ривожланишини муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

### **1.3. Автотранспорт корхоналари хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириб самарадорлигини ошириш йўллари**

Хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, хўжалик юритишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қобилиятини акс эттиради. Ҳар қандай ишда, жумладан, корхоналар фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларнинг мавжуд бўймаслигини, образли қилиб айтганда, оворагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин.

Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омилдан қуидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

\*хизмат кўрсатиш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;

\*асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;

\*прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;

\*хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;

\*хизмат кўрсатишни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;

\*хизмат кўрсатиш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

Амалиётда фан-техника тараққиётининг, жумладан, унинг таркибий қисмларининг аҳамияти ва ролини инкор қилувчи ёки тушунмовчи корхонани топиш амримаҳол. Бироқ ушбу омилни амалга ошириш учун фақатгина ҳоҳиш ва истакларнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун *биринчидан*, фан-техника тараққиётининг айни пайтда зарур бўлган йўналишларини излаш ва аниқлаш, *иккинчидан*,

## Корхона фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллари



пул маблағларини ва бошқа зарур бўлган ресурслар (инвестициялар) излаб топиш, *учинчидан*, замонавий илмий-техникавий ишламаларга ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик, технологик ва бошқа илмий муассасалар билан керакли алоқаларни “боғлаш”, *тўртинчидан*, ўз илмий-техникавий мақсадларининг самаралилигини ҳисоблаб чиқиш талаб қилинади.

Фан-техника тараққиёти сўнгги пайтларгача эволюцион равища ривожланиб келмоқда эди. Асосий эътибор амалдаги технологияларни такомиллаштириш, машина ва ускуналарни қисман замонавийлаштиришга

қаратилган эди. Бундай чора-тадбирлар маълум бир чекланган натижаларга олиб келарди.

Янги техникаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритишдан манфаатдорлик талаб даражасида эмасди. Хизмат кўрсатиш ва меҳнатни ташкил қилишнинг хорижий прогрессив технологиялари “эксплуаторлик белгиси” сифатида, хизмат кўрсатишни автоматлаштириш ва механизациялаштириш эса ишсизликнинг асоси сифатида қабул қилинар эди. Хориж тажрибаларига капиталистик тажриба деб қараларди ҳамда бу тажрибаларнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмас эди.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитларда, чуқур сифат ўзгаришлари, тамойиллари янги технологиялар ва сўнгги авлод техникасига ўтиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш зарур. Шу билан бир қаторда олимлар, конструкторлар, мұхандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорликни яратиш мухим аҳамият касб этади. Масалан, Япония корхона ва фирмаларида ижодий групкалар, сифат групкалари ташкил қилинган, яъни фан-техника тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлмиш университетлар, илмий марказ ва лабораториялар билан алоқалар ривожлантирилмоқда. Япониянинг бугунги кунда роботлар ҳамда замонавий техника ва технологияларнинг бошқа турларини яратища биринчи ўринларда туриши ҳам бежиз эмас.

Корхоналар хизмат кўрсатиш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг мухим омилларидан яна бири сифатида *мавжуд хизмат кўрсатиш салоҳияти* - асосий ва айланма фондлар, ишчи кучидан тежамкорлик асосида, иложи борича унумлироқ фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари уларга буюмлашган меҳнат сарфланганлиги, яъни корхонанинг бугунги эгаларидан ташқари аввалги авлод вакилларининг ҳам меҳнати мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин[19].

Бозор шароитларида хизмат кўрсатиш салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурияти ҳақида қайта таъкидлашга эҳтиёж йўқ: биринчидан,

бозор “вакуумни”, ҳаракатсизликни, хўжасизликни ва йўқотишларни кечирмайди, иккинчидан, ўз имкониятлари ва ресурсларидан етарлича фойдаланмайдиган корхона истиқболга эга бўлмайди ҳамда банкротга учрашга асос яратади. Шу сабабли барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва айниқса хизмат кўрсатишнинг барча бўғинларида тежамкорликка риоя қилиш ҳар бир корхона фаолиятининг муваффақият қозонишининг гарови ҳисобланади.

Корхоналар хизмат кўрсатиш фаолиятининг самарадорлигини оширишда *ташкилий-иқтисодий омиллар*, жумладан, бошқарув ҳам муҳим ўринга эга. Уларнинг аҳмияти хизмат кўрсатиш миқёсининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар қаторига биринчи ўринда, оқилона хизмат кўрсатиш шаклларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш - концентрация, ихтисослаштириш, кооперация ва комбинация қилишни киритиш мумкин.

*Бошқарувда* эса, бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг усул ва шаклларини, яъни корхона фаолиятининг бутун хўжалик механизмини такомиллаштиришда ифодаланади. Корхона раҳбарининг иш стили ва усуллари фан-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиётiga мос келиши зарур. Масалан, корхона директори билими, тажрибаси ва профессионал малакасига қўра, оддий ходимлар ва бўлинма (хизмат) раҳбарларидан юқори туриши лозим. Акс ҳолда у жамоани керакли тарзда бошқара олиши ҳамда муваффақиятга эришиши ва имиджга эга бўлиши қийин.

*Режалаштиришида* режаларнинг баланслаштирилиши, кўрсаткичлар тизимини оптимал шакллантириш, режалаштирилаётган мақсадлар ресурслар билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида корхонадаги иқтисодий фаолиятни кучайтиришни, режалаштириш ва иқтисодий ҳисоб-китобларни ҳамда замонавий компьютер техникаси ва унинг режа иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга оширишдаги

имкониятларини яхши билувчи, саводли ва малакали иқтисодчиларни танлашни талаб қиласи.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида *хизмат кўрсатишни интенсивлаштириши*, хизмат кўрсатиш *тури ва сифатини ошириши* ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиши, корхонанинг *хизмат кўрсатиш тузилмасини яхшилаши* каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, хизмат кўрсатиш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илгор усулларидан фойдаланиш орқали эришилади.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва вақт сарфлашни талаб қиласи. Бироқ бу муаммоларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари, келажакда ҳам муваффақиятларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва рақобатчилик муҳитида қулай аҳволда бўлишини таъминлайди.

Бошқариш самарадорлигини уз табиати билан мураккаб жараён. Уни фақат битта ёки иккита кўрсаткич билан тула ифодалаб булмайди. Бунинг учун кўрсаткичлар тизими зарур. Бу тизимни иккита йирик гурухга бўлиш мумкин.

Бошқарув тизими фаолиятини тавсифловчи микдорий кўрсаткичлар, яъни:

- \* бошқарувдаги жонли меҳнатнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- \* бошқарув учун сарфланган молиявий ресурсларнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- \* бошқариш учун сарфланадиган вақтнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар.
- \* материал учун харажатлар;

- \* ЭХМ ва оргтехникани эксплуатацияси учун сарфланган харажатлар;
- \* күшимча ва бир йула қилинадигант харажатлар (бошқариш техникаси ва ускуналарини сотиб олиш, ташкилий лойихаларни молиялаштириш ва х.к.)

1.4-расм


### **Корхона хизмат кўрсатиш самарадорлигини тавсифловчи курсаткичлар**



Жамият хизмат кўрсатиш жараёнини ва унинг ташкил этилишини ўзгартирмай туриб, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ахволини ўзгартириб булмайди.

1.5-расм

### **бошқарув тизими**



### **Бошқарув объекти Реал самарадорлик бошқарув тизимининг шаклланиш схемаси**

Хизмат кўрсатиш корхонаси жамият ривожланишининг ва иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир.

Корхонанинг ички хизмат кўрсатиш режаларини ва фаолиятини зурлик Билан ўзгартиришга мажбур этиш хизмат кўрсатиш жараёнларининг сусайишига, хатто тухтаб колишига олиб келади.

Уни ўзгартиришга фақат машина ва қурилмаларни, жиҳозларни, асбоб – ускуналарни, технологияларни алмаштириш орқали эришиш мумкин. Маълумки, бундай ўзгартиришлар катта сарф – харажатлар қилинишни ва муаян вактни талаб қиласди.

Моддий хизмат кўрсатиш ўз таркибига қуйидаги асосий жиҳатларни киритади: малакали тайёрланган ходимлар; меҳнат воситалари (машиналар, механизмлар, асбоб – ускуналар, иншоатлар); меҳнат предметлари (хом ашё, материаллар, табиий ресурслар); энергия (электр, иссиқлик, механик, ёруглик, жисмоний); ахборот (илмий – техник, тижорат, тезкор - хизмат кўрсатиш, хуқуқий, ижтимоий - сиёсий); хизмат кўрсатиш жойи (бинолар, шахталар, ер участкалари).

Бу жиҳатларни малакали бошқарувнинг синтези конкрет хизмат кўрсатиш жараёнини шакллантиради.

Хизмат кўрсатиш жараёнининг техник ва ташкилий –иктисодий характеристкалари Хизмат кўрсатиш тури, хизмат кўрсатиш хажми, қўлланилаётган теникалар ва технологияларнинг турлари, ихтисослашиш даражаси билан белгиланади.

Корхонадаги хизмат кўрсатиш жараёнлари иккига бўлинади асосий ва ёрдамчи жараёнлар. Асосий жараёнларда меҳнат предметлари тайёр маҳсулотга айланади. Ёрдамчи жараёнлар асосий жараёнларнинг амалга ошишига кўмаклашади. Лекин бу жараёнлар бевосита асосий хизмат кўрсатиш жараёнларида иштирок этмайди .

Операциялар ҳам уз навбатида асосий ва ёрдамчи операцияларга бўлинади. Асосий операцияда меҳнат предмети ўзининг шаклини, ўлчамларини ва сифат кўрсаткичларини ўзгартиради.

Ёрдамчи операциялар эса фақат асосий операцияларнинг нормал бажарилишини таъминлайди. Корхона фаолиятининг натижалари асосий

ва ёрдамчи операцияларнинг тўғри тақсимланишига боғлиқдир. Маҳсулотнинг қўлланилиши, техник жиҳозланиш даражаси ва хизмат кўрсатишнинг асосий профили буйича операциялар куйдаги тоифаларга ажратилади:

Кўлда бажарилувчи операциялар:

Машинада ва қўлда бажарилувчи операциялар:

Машинада ва аппаратларда бажариладиган операциялар.

Кўлда бажариладиган операциялар оддий асбоблар (айrim ҳолларда механизациялашган) ёрдамида бажарилади. Машинада ва қўлда бажариладиган ишларда ҳам қўл меҳнати иштирок этади. Масалан юкларни автомашиналарда ташиш, қўлда бошқариладиган дастгоҳларда деталларга ишлов бериш шулар жумласидандир.

Машинада бажариладиган операцияларда ишлар тўлиқ машиналарда бажарилиб, қўл меҳнати жуда оз иштирок этади. Масалан, детални дастгоҳга ўрнатиш ва ишлов бериб бўлинган қисмини дастгоҳдан ечиб олиш қўлда бажарилиб, колган асосий ишлов бериш машинада бажарилади, ишчи машина ишини назорат қиласи холос, яъни у технологик жараёнларда иштирок этмайди.

Аппаратли операциялар маҳсус агрегатларда амалга ошади. Ишчилар фақат агрегатларнинг техник ҳолатини кузатадилар, приборлар кўрсаткичларни куздан кечириб, тузатишлар киритадилар.

Иш операцияларнинг бажарилиш шакллари ва тартиблари маҳсус техник хужжатларда хизмат кўрсатиш операциялари карталарида, йурикномаларда, операция графикларида акс эттириб борилади. Аксарият ҳолларда хизмат кўрсатиш операциялари буюмга ишлов бериш билан эмас, балки иш жойини ташкил этиш билан боғланади ва алоҳида тоифадаги ишчилар қурилмаларнинг турлари бўйича тақсимланади.

## **П-БОБ. “ЖИЗЗАХАВТОХХИЗМАТ” МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТНИНГ ТАВСИФНОМАСИ**

### **2.1. “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг ташкил топиши ва бошқаруви**

“Жиззах автотеххизмат” МЧЖ бундан буён «Жамият» деб номланади ва у «Жиззах автотеххизмат» АЖ акциядорларининг 2009 йил 15- апрелдаги навбатдан ташкари Умумий йигилиши қарорига ва 2009 йил 22-майдаги Таъсис шартномасига асосан «Жиззах автотеххизмат» акциядорлик жамиятидан кайта ташкил этилган ва «Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг хуқуқини химоя килиш тўғрисида»ги Қонуннинг 100-моддасига асосан, «Жиззах автотеххизмат» акциядорлик жамиятининг хуқукий вориси хисобланади. «Jizzaxavtotexxizmat» МЧЖ «Жиззахавтотеххизмат» АЖнинг барча шартнома ва мажбуриятлари буйича жавобгарликларни уз зиммасига олади. «Жиззахавтотеххизмат» АЖ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитасининг 1995 йил 23-августдаги № 242 сонли буйруги, Жиззах шаҳар хокимининг 1995 йил 19-сентябрдаги 976-ракамли қарори билан давлат рўйхатига олинган. Жиззах вилояти Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўtkазиш инспекцияси томонидан 2008 йил 5-ноябрда № 2420 сонли рақам билан жамиятнинг Янги таҳирдаги устави рўйхатдан ўtkазилган.

**2.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Маъсулияти чекланган хамда қўшимча маъсулияти жамиятлар тўғрисида»ги қонуни буйича амалга оширади<sup>17</sup>.**

**2.3. Ўзбек тилида: «JIZZAXAVTOTEXXIZMAT» Mas’uliyati cheklangan jamiyati. Рус тилида: Общество с ограниченной ответственностью «ЖИЗЗАХАВТОТЕХХИЗМАТ» Жамиятнинг қискартирилган номи Ўзбек тилида «JIZZAXAVTOTEXXIZMAT»MChJ Рус тилида: ООО «ЖИЗЗАХАВТОТЕХХИЗМАТ»**

---

<sup>17</sup> Манба корхона низомидан олинган

2.4. Жамиятнинг манзили: Жиззах вилояти Жиззах шаҳар Катта Ўзбек тракти-115 уй.

2.5. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

### **3. Жамиятнинг хуқуқий мақоми.**

3.1. Жамият қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат руйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

3.2. Жамият қонун хужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишига ёки уларнинг Низом жамғармасида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар тузишга хақлидир.

3.3. Жамият ўзининг фирма номи ёзилган мухри, штамларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгисига ва бошқа ўз белги аломатларига эга бўлишга хақлидир.

3.4. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, уз номидан хуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даявогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3.5. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар булади. Жамият уз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар булмайди, худди шунингдек Жамият хам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

### **4. Жамият фаолиятининг мақсади, жабхаси ва турлари.**

4.1. Фаолиятнинг умумий жабхаси. Жамият фаолиятининг жабхаси Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан маҳсус тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турини амалга оширишдан иборат.

4.2. Фаолиятнинг аниқ турлари. Жамиятнинг фаолият турларига қуидагилар хам киради:

- Ўзбекистон Республикаси худудида енгил автомобиллар, микроавтобуслар, фургонлар, юк машиналарига пуллик хамда техник хизмат кўрсатиш, шунингдек, улар учун зарур эҳтиёт қисмлар ва ашёларга доир маркетинг, савдо-сотик, савдо-воситачилик, сотувгача ва сотувдан кейинги хизматлар кўрсатилишини йулга қуиши.

4.3. Жамият фаолиятининг аниқ мақсади ва турларининг батафсил қайд этилиши Жамиятнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига махсус таъқиқланмаган хар қандай тадбиркорлик жабхасида фаолият кўрсатишини чекламайди.

4.4. Фаолият турлари: Узининг асосий фаолият доирасида, лекин уни чекламаган холда Жамият қуидаги фаолият турларини амалга оширади:

- хукукий ва жисмоний шахсларга тегишли булган автотранспорт воситаларида техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;
- автомобилларга техник хизмат кўрсатишнинг янги турларини ишлаб чикиш ва жорий этиш; уларнинг ракобатбардошлигини ошириш;
- автомобиль техникасини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш буйича мутахассисларни укитиш ва кайта тайёрлаш;
- енгил автомобилларга техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш шахобчаларини моддий техникавий жихатдан таъминлаш;
- халкаро транспорт ташиш хизматлар;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофик холда автотранспорт воситаларини техникавий текширув-экспертизадан утказиш, транспорт воситаларининг баҳосини белгилаш буйича эксперт, баҳолаш-консалтинг хизмати кўрсатиш хизматини ;

- Янги технологияларини ишлаб чикиш, илмий-амалиётчилик фаолияти, воситачилик фаолияти, жумладан, чакана савдо, савдо – воситачилик ва лизинг фаолияти;
  - дилерлик фаолияти;
  - кургазмалар, намойиш-ярмаркалари, кимошди савдоларини уюштириш;
  - автотранспорт, таъмирлаш, бадий безаш ва фототасвирлар билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш,
  - Шахар ичидаги шахарлараро ахолига ва юридик шахсларга транспорт хизмат кўрсатиш:
  - автомобилларга газ ёкилгиси ускуналарини урнатиш;
  - юк ортиш – юк тушириш ва бошка транспорт-экспедиция хизматларини кўрсатиш;
  - кучмас мулк билан боғлиқ муомала – операциялар;
  - халқ истемоли ва ишлаб чиқариш-техникавий йуналишдаги товар-маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
  - ташки иқтисодий фаолият;
  - тюнинг хизмати;
  - иккиламчи бозор учун жисмоний ва юридик шахслардан автомобилларни сотиб олиш, уларни таъмирлаб, қайта баҳолаб сотиш,
  - улгуржи савдо.
- ахолига турли хилдаги майший хизмат ишларини амалга ошириш.
- умумий овқатланиш иншоотларини, ресторан ва барларни очиш:
- Халқ истемоли моллари ва жамият эҳтиёжи учун зарур булган моддий-техникавий молларни,

-хом-ашё, саноат моллари, автотранспорт материаллари, автомобил ва улар учун эхтиёт қисмлар сотиб олиш, товар алмаштириш ва уларни сотиш:

- Чет эл мамлакатлари ва бошқа мамлакатлар билан қўшма корхоналар ташкил этиш:

- Ташки иқтисодий фаолиятни қонунда белгиланган тартибда амалга ошириш:

#### 4.5. Жамият фаолиятининг мақсади куйидагилардан иборат.

- Ўзбекистон Республикасининг товар ва хизматлар бозорини тўлдириш

- Янги ишчи ўринларини ташкил этиш йули билан ахолининг бандлиги билан боғлик муаммоларининг хал этилишида ёрдам кўрсатиши,

- ўз фаолиятидан фойда даромад олиш.

### **5. Жамиятнинг мол-мулки.**

#### 5.1. Жамият мол-мулки куйидагилардан шаклланади:

- Жамият ворис сифатида «Жиззах автотеххизмат» акциядорлик жамиятининг барча мол- мулки хисобидан шаклланади;

- Жамият Таъсисчилари (иштирокчилари) киритган Низом жамғармаси бадалларидан:

- Жамият Низомида кўрсатилган хизматлар кўрсатишдан тушган маблағдан:

- Ташкилот ва тадбиркорларнинг қонунга зид бўлмаган бадаллари ва бошка хил тушумлар хисобидан:

### **6. Жамиятнинг Низом жамғармаси (устав капитали).**

6.1. Жамиятнинг низом жамғармаси таъсисчилари улушининг номинал қийматидан ташкил этилади. Таъсисчиларнинг низом жамғармасидаги улуши таъсисчи улушининг қийматини жамият низом жамғармасига бўлинган ҳолда фоизда аниқланади.

6.2. Жамият таъсисчиси улушининг номинал қиймати «Жиззах автотеххизмат» АЖдан «Jizzaxavtotexxizmat » МСНД.га қайта тузиш вақтида таъсисчи эгаллаб турган барча акцияларининг номинал қийматига teng. Жамият таъсисчиси улушининг хақиқий қиймати, унинг жамият низом жамғармасидаги улушкига пропорционал ҳолатда олинган, жамият соғ активлари қийматининг кисмига teng.

6.3. Жамиятнинг низом жамғармаси 224145000 (Икки юз йигирма турт миллион бир юз қирк беш минг ) сўмни ташкил қилиб, у собиқ «Жиззах автотеххизмат» акциядорлик жамияти акциядорларининг тўлиқ шакллантирилган, жойлаштирилган улушларидан иборат булиб, куйидагича таксимланган:

### **Жиззах автотеххизмат МЧЖнинг низоми.**


“Жиззахавтотеххизмат” акционерлик жамияти “Узвтосаноат” автомабилсозлар уюшмаси таркибига кирган бўлиб, “Узвтотеххизмат” акционерлик бирлашмасига бўйсунади.

“УздЭУавто” қўшма Жиззах вилоятидаги расмий дилери хисобланади. Жамият акцияларинин 51% Вазирлар Махкамасининг қарорига асосан “УздЭУавто” қўшма коронасига тегишлидир<sup>18</sup>.

“УздЭУавто” ташкилот бўлими асосий фаолияти вилоят аҳолисига чакана савдо, автомобил савдоси ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан иборат. Бундан ташқари корхона ўз низомига асосан Республика қонунчилигида тақиқланмаган хизматларни кўрсатиш ҳукуқига эга, маҳсус рухсатнома олган. Корхона хўжалик фаолиятини жамият бошқаруви раиси Нормухаммедов А. С мустақил бошқаради. Корхонанинг фаолиятини назорат қилиш корхона таъсисчилари томонидан амалга оширилади.

---

<sup>18</sup> Манба: Жиззах вилоят «автотеххизмат» акциядорлик худудий жамияти маълумоти асосида тузилди.



1.6-расм. «Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг бошкарув структураси

«Жиззахавтотеххизмат” МЧЖ нинг лавозимлар йўриқномаси.

**Бошқарув раиси** – бошқарув раиси жамият фаолиятини бошқаришда умумий раҳбарликни олиб боради, жумладан:

- жамиятнинг бошқарув аппаратига бевосита раҳбарлик қилиб, бошқарув аппаратининг барча ходимларига иш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради, буйруқлар чиқаради;
- жамиятнинг ишлаб чиқариш хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятлари йўналишларини белгилайди;
- тегишли мовунлар ва бўлим бошлиqlари билан келишган холда жамиятнинг кадрлар масаласини хал этади;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши кузатув кенгаши ва бошқарув қарорларини бажаришини таъминлаш билан бир қаторда жамиятнинг Ушбу бошқарув органларига жамият фаолиятига доир таклифлар киритади;
- Жамият моддий бойликларининг сақланиши юзасидан жавобгар шахсларни белгилайди;

- жамият фаолиятига доир ишларни бошқарув аппаратининг мансабдор шахслари ўртасида тақсимлайди.

**Бош мухандис.** Бош мухандис хизмат вазифаси бўйича бошқарув раисига бўйсинади ва жамият фаолиятига қўйидаги ишларни амалга оширади:

- Ишлаб чиқариш ва техника бўлимига восита раҳбарлик қилади;
- ишлаб чиқариш бўйича кадрлар масаласида жамият бошқарув раисига таклифлар киритади;
- жамиятнинг ишлаб чиқариш фалиятини бошқаради. Жамиятга қарашли барча техник хизмат кўрсатиш устахоналари, уларнинг филиаллари автостаянкалар ва бошқа ишлаб чиқариш бўлимларининг ишини ташкил қилади;
- ишлаб чиқариш жараёнига доир вазифаларни ходимлар ўртасида тақсимлайди. Моддий бойликлани жавобгар шахсар зиммасига тўғри топшиорилиши мақсадли ишлатилиши, сақланиши бўйича назорат олиб боради, улар юзасидан жавобгар ҳисобланади;
- ишлаб чиқариш режаларини белгилайди, жамият бошқаруви раисига тасдиқка олиб киради. Режаларининг бажарилиши юзасидан бошқарув раисига ҳисбот беради, уларга ўзгартирилар киритиш юзасидан таклифлар киритади;
- бошқарув раиси таътилда, хизмат сафарида, даволанишда бўлган давр ва қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда жамият фаолияти бўйича умумий раҳбарликни олиб боради (жамиятнинг ташкилий – хукуқий тузилмаси, моддий бойликлар ва маблағлар тасаруфи ҳамда кадрлар масаласи бундан мустасно);
- меҳнат муҳофазасини қучайтиришга доир таклифлар киритади ва тадбирларда иштирок этади.

**Бошқарув раисининг савдо бўйича мувовини.** Хизмат вазифаси бўйича бевосита бошқарув раиси (бошқарув раиси вазифасини вақтинча бош

муҳандис бажариб турган даврда бош муҳандис)га бўйсунади ва жамият фаолиятида қўйидаги ишларни бажаради:

Савдо ва маркетинг бўлимига бевосита раҳбарлик қилади;

Савдо фаолияти бўйича кадрлар масаласида жамият бошқаруви раисига таклифлар киритади.

- жамиятнинг савдо фаолиятини бошқаради, жамиятга қарашли барча автосалонлар, уларнинг жойлардаги филиаллари, савдо дўконларининг ишларини ташкил қилади.

- меҳнат муҳофазасини кучайтиришга доир таклифлар киритади ва тадбирларда иштирок этади ва бошқа вазифаларни бажаради.

**Бошқарув раисининг умумий масалалар бўйича мувонни.** Хизмат вазифаси бўйича бевосита бошқарув раиси (бошқарув раиси вазифасини вақтинча бош муҳандис бажариб турган даврда бош муҳандис)га бўйсинади ва жамият фаолиятида қўйидаги ишларни бажаради:

- жамиятнинг ички хўжалик фаолияти бўйича ташкилий ишларни амалга оширади;

- хўжалик ходимлари бўйича кадрлар масаласида жамият башшқарув раисига таклифлар киритади;

- жамият хўжалик ишларини бошқаради, жамият ходимларининг қишлоқ хўжалик ишлаир ва бошқа оммавий тадбирларга жалб этади, меҳнат шароити яратади;

- ҳар бир моддий бойликлардан тўғри фойдаланишни талаб қилади ва назоратга олади ва бошқа вазифаларни бажаради.

**Бош иқтисодчи.** Бош иқтисодчи ҳизмат вазифаси бўйича бевосита бошқарув раисига бўйсинади ва қўйидаги ишларни амалга оширади:

- жамиятнинг йиллик молиявий режасини ишлаб чиқади ва тасдиқка олиб киради;

- жамиятнинг умумий фаолияти юзасидан иқтисодий тахлил юритади;

- доимий равища жамиятнинг иқтисодий аҳволи фойда ва зарарлар юзасидан бошқарув раисига маълумот беради;
- иқтисодга талуқли ҳисоботларни ўз муддатларида белгилангшан жойларга топширишини таъминлайди

**Бош ҳисобчи.** Хизмат вазифаси бўйича бевосита бошқарув раисига бўйсинади

- жамият бухгалтериясига бевосита раҳбарлик қилади.

**Девонхона мудири.** Хизмат фазифаси бўйича бевосита бошқарув раисига бўйсинади ва жамият умумий бўлимига бевосита раҳбарлик қилади.

**Савдо ва маркетинг бўлими бошлиғи.** Хизмат фазифаси бўйича бевосита бошқарув раисининг савдо бўйича муовинига бўйсинади ва савдо бюўлими ишининг ташкил қилади. Ходимларга ўз вазифасини тақсимлайди.

Мен юқоридаги лавозимлар билан бирга қўйидаги лавозимлар жорий этилганлигини ўрганиб чиқдим: Ишлаб чиқариш ва техника бўлими бошлиғи, менежер, автомобиллар омбори мудири, эҳтиёт қисмлари омбори мудири, ДЭУ муҳандиси, хавфсизлик техникаси муҳандиси, ишлаб чиқариш бўлими муҳандиси, техник хизмат кўрсатиш устахонаси бошлиғи, ҳуқуқшунос, маош ҳисобчиси, ашиёвий ҳисобчиси, автомобил ҳисобчиси, хазиначи, ҳисобчи, ҳодимлар назоратчиси, компьютер оператори, котиба-референт, қурувчи муҳандис, таъминотчи, хайдовчи, нурчи, автосалон мудири, автостаянка бошлиғи, сотувчи, коровул, қабул қилувчи уста, таъмирловчи уста, фаррош, боғбон, қозонхона оператори.

**2.2.“Жиззахавтотеххизмат” МЧЖининг 2016-2018 йиллардаги  
техник иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили**

2.1-жадвал

**“Жиззахавтотеххизмат” МЧЖининг 2016-2018 йиллардаги техник  
иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили<sup>19</sup>**

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2017 йилга нисбатан	Ўсиш %
						Фарки (+;-)	
1	Хизмат курсатишдан тушган тушум	минг сум	2952476	5918605,0	3380985,0	-2537620,0	57,1
2	Ялпи даромад	минг сум	2154467	1648262,0	2919251,0	1270989,0	177,1
3	Ишловчиларни ўртacha йиллик иш хақи фонди	минг сум	616422	771964,0	915238,0	143274,0	118,6
	Жумладан: А) ишчиларники		493137,6	617571,2	685479,0	67907,8	111,0
	Б) хизматчиларники		123284,4	154392,8	229759,0	75366,2	148,8
4	Ишловчилар ўртacha йиллик сони шундан:	киши	78	68,0	68,0	0,0	100,0
	А) ишчилар	киши	51	42,0	46,0	4,0	109,5
	Б) хизматчилар	киши	27	26,0	22,0	-4,0	84,6
5	Бир ишловчининг ўртacha йиллик иш унуми	минг сум	37852,26	87038,3	13459,4	-73578,9	15,5
6	Бир ишчининг ўртacha ойлик иш унуми	минг сум	4824,30719	11743,3	6125,0	-5618,3	52,2
7	Асосий воситаларни ўртacha йиллик киммати	минг сум	1900621	1484739,0	1618701,0	133962,0	109,0
8	Айланма маблагларнинг ўртacha йиллик киммати	минг сум	2579664	994048,0	956593,0	-37455,0	96,2


<sup>19</sup> Манба: Корхонанинг 2016-2018 йиллардаги йиллик хисобот материаллари

9	Хизмат курсатиши харажатлари	минг сум	798009	4270343,0	461734,0	-3808609,0	10,8
10	Үмумхужалик фаолиятининг молиявий натижаси	минг сум	750510	158418,0	-1293140,0	-1451558,0	-816,3
11	Соликлар	минг сум	72095	21981,0	0,0	-21981,0	0,0
12	Бошқа ушланмалар ва йигимлар	минг сум	53733	10915,0	0,0	-10915,0	0,0
13	Соф фойда(+), зарар(-)	минг сум	624682	125522,0	1293140,0	-1418662,0	-1030,2
14	Рентабеллик(13к:1к)*100	%	21,1579027	2,1	-38,2	-40,4	-
15	Дебиторлик қарзлар	минг сум	2294350	619734,0	643869,0	24135,0	103,9
16	Кредиторлик қарзлар	минг сум	724514	716888,0	315872,0	-401016,0	44,1

Биз таҳлил қилаётган “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖ таҳлил этилаётган ийллардаги асосий техник иқтисодий кўрсаткичларига эътибор берадиган бўлсак корхона бошқарувида сезиларли силжишлар содир бўлганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Корхонада хизматлар кўрсатиши хажми 2016 – йилда 2952476 минг сўмни ташкил қилиб 2017 йилни 2018 йил билан солиштирасак, 2537620 минг сўмга кам хизмат кўрсатилган. Бу кўрсаткични фоиз ҳисобида 57,1 га тенг бўлган. Хизмат кўрсатиши таннархи эса 3808609,0 минг сумга ўтган йилга нисбатан харажат ёки 10,8 фоизга харажат камайган. Бу ҳолатларни қуидаги диаграммадан кўришимиз мумкин.


2.1- диаграмма <sup>20</sup>



<sup>20</sup> 2.1-жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Корхонада ўтган йилларда ишловчиларнинг ўртача йиллик сони камайиб турган, мос равища 78 , 68 ва 68 кишиларни ташкил қилган. Корхонадаги жами ишловчиларга нисбатан бошқарув ходимлари салмоғи таҳлил этилаётган йилларда мос равища 4 кишига ўзгарганлиги 4 хизматчини камайганлигини ташкил қилган. Бу корхоналарда хизматчиларнинг ишини тежамли ташкил этилганлигидан далолат беради. Бу ишловчиларни салмоғини қуидаги диаграммадан кўришимиз мумкин.

2.2-диаграмма<sup>21</sup>



“Жиззахавтотеххизмат” МЧЖда жами иш хақи фонди 2016 йилда 616422 минг сўмни ва 2017 йилда 771964 минг сумни ташкил этган бўлиб, 2017 йилда 2018 йилга нисбатан 143274 минг сўмга ёки 118,6 % га ошган худди шундай ишчиларни иш хақи фонди ҳам таҳлил этилаётган йилда 856849 минг сўмни ташкил этган ҳолда 2018 йилга нисбатан 67907,8 минг сўмга ёки 111,0 га ортган. Бу кўрсаткичларни қуидаги диаграммадан кўрамиз:


2.3диаграмма<sup>22</sup>



Манба: Корхонанинг 2016-2018йиллардаги йиллик хисобот материаллари

<sup>21</sup> 2.1-жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган  
<sup>22</sup> 2.1-жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Корхонани асосий воситалари 2017 йилда 2018йилга нисбатан 109,0 фоизга ошган. Айланма маблағлар 96,2 фоизга камайғанлигини күришимиз мүмкін. Корхонанинг дебиторлик қарzlари 2016 йилда 2294350 минг сумни 2017 йилда эса 619734 минг сумни 2018 йилда 643869 минг сумни ташкил қылған, ўтган йилга нисбатан 24135 минг сумга дебиторлик қарzlари ёки 103.9 фоизга тенг бўлған. Кредиторлик кўрсаткичлари 401016 минг сумга ёки 44.1 фоизга ортиб камайған. Асосий воситалар, айланма маблағлар ва дебиторлик ва кредиторлик қарzlарини ўзгариши қуйида кўрсатилган диаграммадан кўришимиз мүмкін:



Корхонадаги фойда, фойдадан солиқлар ва соф фойда ошиб борган. Рентабеллик даражаси 40.4 фоизга камайған.

<sup>23</sup> 2.1-жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

## **2.3. Ҳаёт фаолияти хавсизлиги.**

Ўзбекистонда меҳнат муҳофазаси – бу тегишли қонун ва бошқа меъерий хужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сихат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария – гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборатdir.

Машинадан фойдаланиш қоидалари усуслари билан танишмасдаи ва қўшимча инструктаж олмасдан туриб машинани бошқариш мумкин эмас. Ортиш усули ташиладиган юкка ва юк кўтариладиган машиналар ёки бошқа механизация воситаларининг бор-йўқлигига боғлиқdir. Юкларни қўлда ортиш ва тушириш факат муваққат майдончаларда рухсат этилади. Бундай холда эркаклар кўпи билан 50 кг, аёллар эса кўпи билан 20 кг, 18 ёшгача бўлган ўсмирлар кўпи билан 13 кг, ўсмир қизлар кўпи билан 7 кг юк кутаришлари рухсат этилади. Чангланадиган юкларни ортиш ва ташишда хайдовчилар, юк ташувчилар албатта химоя кузойнаклари ва респираторлардан фойдаланишлари керак. Бочка ёки шунга ухшаш юкларни ортишда ходаларнинг махсус бочка кўтаргичларидан фойдаланилади. Транспорт харакати вақтида юклар силжимаслиги учун ташишга тайёрланган юклар арқонлар билан махкамлаб қуйилади. Машиналарни оғир юк ташийдиган прицеп- машиналарига ҳамда юк машиналарига ортиш ва уларни ташиш ишлари маъмурият вакилининг кузатишида амалга оширилиши керак. Платформага юклangan машина махкамлаб қуйилиши керак. Йулда кетаётганда хавфсизлик учун шатакка олинган транспорт хайдовчиси жавобгардир. Хайдовчи йулга чиқишдан олдин пассажирларга машинага чиқиш ва машинадан тушиш қоидалари ҳамда транспорт харакати вақтида узларини қандай тутишлари тўғрисида инструктаж бериши лозим, чунки у транспорт воситасида пассажирларни хавфсизлик техникаси қоидасига жавобгардир. Транспорт кабинасида рухсат берилганидан ортиқча одам олиб юриш мумкин эмас. Тиркамаларда одам ташиш ман этилади. Уч йил

узлуксиз стажга эга булган хайдовчигина автомобиль кузовида бир группа одамларни ташиши мумкин. Пассажирларни ташиш учун мулжалланган юк автомобильининг қузовини бортларининг юқори қисмдан 150 мм пастга урнатилган уриндиқлар билан жихозлаш зарур. Орқадаги ва ёнлардаги уриндиқлар, мустажкам суюнчили бўлмоги керак. Бундай автомобилнинг ишлатилган газни чиқариб ташлайдиган трубаси кузовдан ташккарида булиши керак. Кузовдаги иассажирлардан бири катта қилиб тайинланади ва унинг фамилияси йул варагасига ёзилади. Транспорт юриб кетаётган вақтда пассажирларга бортларда ўтириш ман этилади.

Меҳнат муҳофазаси бўйича белгиланган барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (8 декабрь 1992 йил), Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари кодекси (21 декабрь 1995 й), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тұгрисидаги қонун» (6 май, 1993й), Давлат стандартлари, низомлар ва нормалар, хавфсизлик техникаси бўйича коидалар асосида олиб борилади вайнсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тўлиқ риоя этилишини такоза килади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Республикаиз фукароларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиесий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари яккол уз ифодасини топгандир. Конституцияда кўрсатилганидек «Давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат килади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар Фирма маъмурият ва фукаролар олдида масъулдирлар» (2-модда); «Яшаш ҳуқуқи хар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. (24-модда). «Хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан химояланиш ҳуқуқига эгадир» (37-модда). Юқоридагиларга асосланган холда ифодалаш мумкинки, инсоннинг хаёти хам, унинг меҳнат фаолияти хам, фаолияти давридаги соғлиги хам давлат қонунлари асосида химояланади, муҳофаза килинади.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиесати аник уз аксини топган. Унда «Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига

нисбатан ходимнинг хаети ва соглиги устиворлиги» (4-модда) таъкидланган. Ушбу қонун 5 бўлим ва 29 моддадан иборат бўлиб, унда меҳнат муҳофазаси бўйича умумий коидалар (1-бўлим, 7 моддадан иборат); меҳнатнинг муҳофаза килинишини таъминлаш (2-бўлим, 8 моддадан иборат); ишловчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир ҳукуқларини рўёбга чиқаришдаги кафолатлар (3-бўлим, 6 моддадан иборат); меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъерий хужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати (4-бўлим, 3 моддадан иборат); меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъерий хужжатларни бузганлик учун жавобгарлик (5-бўлим, 5 моддадан иборат) масалалари аник еритилган.

1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари кодекси кабул килинди ва у 1996 йил апрель ойидан бошлаб амалда кучга кирди. Ушбу қонунда кўрсатилишича хавфсизлик техникасига, ишлаб чиқариш санитариясига, енгин чикишидан сакланишга ва меҳнат муҳофазасининг бошқа коидаларига риоя этиш юзасидан ишчи ва хизматчиларга йул-йуриклар бериш, шунингдек, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига доир қўлланмаларда кўрсатилган хамма талабларга амал қилиши устидан доимий назорат ўрнатиш маъмурият зиммасига юкланди. Меҳнат шароити заарли бўлган ишларда, шунингдек, алоҳида харорат шароитида бажариладиган еки хавони ифлослантирувчи ишларда меҳнат килувчи ишчи ва хизматчиларга белгиланган нормада совун, маҳсус кийим-бош, пойафзал ва бошқа шахсий химоя воситалари текинга берилади. Меҳнат шароити ифлосланиш билан боғлиқ ва заарли бўлган ишларда ишловчи ишчилар белгиланган нормаларда совун, сут еки бошқа хил профилактик озик-овкатлар, иссик цехларда ишловчилар эса газ-сув билан текин таъминланади.

Меҳнат қонунлари кодексида балоғатга етмаган ешларнинг, аелларнинг меҳнатига алоҳида эътибор берилган. Ўн саккиз ёшга тўлмаган йигитларни

16 кг дан, кизларни 10 кг дан ортик юк кутаришига, уларнинг иш вактини хафтасига 36 соатдан ортиб кетишига йул куймаслик керак. Шунингдек, уларни тунги ва иш вактидан ташкари ишларга хамда дам олиш кунлари ишлашга жалб этиш таъкикланди. Ишчи ходимлар учун иш вактининг нормал муддати 41 соатдан ошиб кетмаслиги, ун саккизга кирмаган ешлар хамда меҳнат шароити заарли бўлган ишларда меҳнат килувчилар учун иш вакти микдори хафтасига кўпи билан 36 соат бўлиши керак. Иш вактидан ортик ишлаш хар бир ишчи ва хизматчи учун сурункасига икки кун давомида 4 соатдан ва йилига 120 соатдан кўп булмаслиги лозим.

Меҳнат шароитларини меъерлаштириш, ишчилар учун соглом ва хавфсиз иш шароитини таъминлаш мақсадида меҳнат хавфсизлиги талаблари асосида стандартлар ишлаб чикилиб улар маълум бир системага солинган.

Ишлаб чиқаришда юз берадиган баҳтсиз ходисаларни олдини олишга каратилган тадбирлардан бири бу содир бўлган баҳтсиз ходисаларни тугри текшириш ва тахлил қилиш, уларнинг сабабларини аниклаш хамда олинган маълумотлар асосида тегишли тадбирлар ишлаб чикишдан иборатdir. Шунуктаи назардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли карорига асосан «Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа заарланишини текшириш ва хисобга олиш» тургисида Низом кабул килинди.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари кодексида хамда меҳнатни муҳофаза қилиш тургисидаги қонунида меҳнатни муҳофаза қилиш тургисидаги қонунларни ва бошқа меъерий хужжатларни бузганлиги учун жавобгарлик белгиланган. Қонунда, меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмаганлиги учун корхоналарнинг жавобгарлиги, (25-модда); меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш ахамиятидаги маҳсулотни тайерлаганлик ва сотганлик учун корхоналарнинг иқтисодий жавобгарлиги, (26-модда); меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъерий хужжатларни бузганлик учун

жавобгарлик, (27-модда); ишлаб чиқаришда жабрланган ходимларга зиен етказганлик учун корхоналарнинг моддий жавобгарлиги, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходиса окибатида ходим вафот этган тақдирда корхонанинг моддий жавобгарлиги ник кўрсатиб утилган.

«Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъерий хужжатлар бузилишида айбдор бўлган еки давлат ва жамоатчилик назорати идоралари вакилларининг фаолиятига монелик килган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

**Ш-БОБ. “ЖИЗЗАХАВТОТЕХХИЗМАТ” МЧЖНИНГ 2016-2018  
ЙИЛЛАРДАГИ ИҚТИСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАР САМАРАДОРЛИГИ  
ТАХЛИЛИ**

**3.1. ”Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг 2016-2018йиллардаги меҳнат  
ресурслари самарадорлиги ва унга таъсир этувчи  
омиллар тахлили.**

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида республикамизда меҳнат ресурсларига катта эътибор бериб келинмоқда. Хизмат кўрсатиш режасини бажарилиши корхонани иш кучи билан таъминланиши ва улардан фойдаланиш кўрсаткичларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Меҳнат ресурслари хизмат кўрсатишга уч ёқлама таъсир этади.

1. Корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси.
2. Иш вактидан фойдаланиш.
3. Меҳнат унумдорлиги даражаси.

Иш кучини тахлили корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланишини аниқлашдан бошланади. Бунинг учун жами ходимлар сони шу жумладан, айрим категориядаги ходимлар билан таққосланиб аниқланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлигига баҳо беришда асосий эътибор меҳнат ресурсларидан фойдаланишга қаратилиши лозим.

Тахлил этишда ходимларнинг сони жорий йил билан ўтган 2017 йил солиширилиб, корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши аниқланади.

Корхонанинг иш кучи ва меҳнат ресурслари билан қай даражада таъминланганлигини тахлил қилиш учун қуйидаги жадвални ҳавола қиласиз.


### 3.1-жадвал

#### ”Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг 2016-2018йиллардаги меҳнат ресурслари билан таъминланганлигини таҳлили.<sup>24</sup>

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Фарки (+,-)	Ўзгариш сурати %
1	Меҳнат ресурларининг ўртача йиллик сони	киши	78	68	68	0	100
2	Шу жумладан олий маълумотли мутахассислар	киши	27	26	22	-4	84,6
3	Уларнинг улуши	%	34,62	38,24	32,35	-5,88	84,6
4	Ўрта маҳсус маълумотли мутахассислар	киши	51	42	46	4	109,5
5	Уларнинг улуши	%	65,38	61,76	67,65	5,88	109,5
6	Тўлиқсиз ўрта маълумотли ходимлар	киши	1	1	1	0	100
7	Уларнинг улуши	%	1,28	1,47	1,47	0	100
8	Ишчилар сони	киши	51	42	46	4	109,5
9	Ишчиларнинг улуши	%	65,4	61,8	67,6	5,9	109,5
10	Ишга кабул қилинганлар	киши	5	9	18	9	200
11	Ишдан бўшатилганлар	киши	4	5	6	1	120
12	Шу жумладан салбий асослар билан бўшатилган	киши	1	1	1	0	100
13	Меҳнат ресурси обороти, коэффициенти ( $12к+13к:1к$ )	-	0,12	0,21	0,35	0,15	171,4
14	Меҳнат ресурси қўнимсизлиги коэффициенти ( $14к:1к$ )	-	0,01	0,01	0,01	0	100
14	Шу корхонада 3 йилдан кўп ишлаганлар	киши	70	54	51	-3	94,4
16	Меҳнат ресурси турғунлиги, коэффициенти( $17к:1к$ )	-	0,9	0,79	0,75	-0,04	95


<sup>24</sup> Манба: Корхонанинг 2016-2018йиллардаги йиллик хисобот материаллари

Ушбу жадвал маълумотидан кўриниб турибдики, корхонада хизматлар кўрсатиш хажми 2016 – йилда 2952476 минг сўмни ташкил қилиб 2017 йилни 2018 йил билан солиштирсақ, 2537620 минг сўмга кам хизмат кўрсатилган. Бу кўрсаткични фоиз ҳисобида 57,1 га тенг бўлган. Хизмат кўрсатиш таннархи эса 3808609,0 минг сумга ўтган йилга нисбатан харажат ёки 10,8 фоизга харажат камайган.



Юқоридаги диаграммадан кўриниб турибдики, корхонадаги жами ишловчиларга нисбатан бошқарув ходимлари салмоғи таҳлил этилаётган йилларда мос равиша 1 кишига кўпайган ва 105,0 фоизни ташкил қилган. Бу ўзгаришларни 1 киши ишчини ташкил қилган. Бу корхоналарда хизматчиларнинг ишини тежамли ташкил этилганлигидан далолат беради.

3.2 диаграмма<sup>26</sup>



<sup>25</sup> 3.1 – жадвал маълумотларидан фойдаланилиб муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

<sup>26</sup> 3.1 – жадвал маълумотларидан фойдаланилиб муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

### 3.2-жадвал

#### Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг 2016-2018йиллардаги меҳнат ресурслари самарадорлиги ва унга тасир этувчи омиллар таҳлили.<sup>27</sup>

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017йил	2018йил	Фарки (+;-)	Ўзгариш суръати %
1	Меҳнат ресурси сони штат жадвали бўйича йил бошида	киши	76	65	67	2	103,1
2	Хақиқий меҳнат ресурслари сони йил бошида	киши	78	68	68	0	100,0
3	Меҳнат ресурси билан штат жадвалининг таъминланганлиги коэффициенти (1к:2к)		0,97	0,96	0,99	0,03	103,1
4	Хизмат кўрсатиш хажми	млн сум	2952476	5918605,0	3380985,0	-2537620,0	57,1
5	Меҳнат ресурсини ўртача йиллик сони	киши	78	68	68	0	100,0
6	Меҳнат сигими бир миллион сўм хизмат курсатишга тўғри келадиган ходимлар сони (5к:4К)	киши	37852,3	87038,3	49720,4	-37317,9	57,1
7	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик киймати	млн сум	1900621	1484739	1618701	133962	109,0
8	Айланма маблагларнинг ўртача йиллик киймати	млн сум	2579664	994048	956593	-37455	96,2
9	Меҳнат ресурсларни куроллан-ганлиги (7к:5к)	минг сум	24366,9	21834,4	23804,4	1970,0	109,0
10	Айланма маблагларнинг меҳнат ресурси билан таъминланганлиги бир миллион сўм айланма маблагга тўғри келадиган меҳнат ресурси (5к:8к)	киши	0,000031	0,000068	0,000071	0,0000003	104,4


Меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизими қўлланилади. Бироқ ҳар бир кўрсаткич ҳам у ёки бу жиҳати билан

<sup>27</sup> Манба: Корхонанинг 2016-2018йиллардаги йиллик хисобот материаллари

муҳимдир. Шу туфайли уларнинг ҳар бирига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг бошқа кўрсаткичларга қандай таъсир қилганлигини ҳисоблаш катта аҳамиятга эга. Чунки иқтисодий жараёнлар ва унинг инъикоси бўлган кўрсаткичлар ҳам бир – бири билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга бир кўрсаткич таҳлили жараёнида биринчи галда натижа деб қаралса, иккинчи ҳолда омил деб қараш мумкин.

Бу кўрсаткичларни қуидаги диаграммадан кўришимиз мумкин.

3.3-диаграмма<sup>28</sup>



<sup>28</sup> 3.2 – жадвал маълумотларидан фойдаланилиб муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

### 3.3-жадвал

#### ”Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг 2016-2018йиллардаги меҳнат ресурслари самарадорлиги таҳлили.<sup>29</sup>

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Фарки (+;-)	Ўзгариш суръати %
Хизмат кўрсатиш хажми	минг сум	2952476	5918605,0	3380985,0	-2537620,0	57,1
Ялпи даромад	минг сум	2154467	1648262,0	2919251,0	1270989,0	177,1
Соф фойда	минг сум	624682	125522,0	-1293140,0	-1418662,0	-1030,2
Меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони	киши	78	68	68	0,0	100,0
Меҳнат ресурслари натижавийлиги, яъни меҳнат унумдорлиги (1к:4к)	минг сум	37852,2564	87038,3088	49720,3676	-37317,9	57,1
Меҳнат ресурслари даромадлилиги (2к:4к)	минг сум	27621,3718	24239,1471	42930,1618	18691,0	177,1
Меҳнат ресурслари фойдалилиги (3к:4к)	минг сум	8008,74359	1845,91176	-19016,7647	-20862,7	-1030,2

Жадвалдаги барча кўрсаткичлар ортиб борган, меҳнат ресурсини натижавийлиги ўтган йилга нисбатан 57.1 фоизга камайган. Меҳнат салоҳиятини даромадлилиги ортиб борган. Бу кўрсаткич 2018 йилда 42930.1 минг сўмни 2017 йилда 24239.1 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткичларни ўтган йил билан солишитирсак, 177.1 фоизга ортган ёки 18691 минг сўмга зиёд меҳнат ресурси даромадлигигатенг бўлган.

<sup>29</sup> Манба: Корхонанинг 2016-2018йиллардаги йиллик хисобот материаллари

### **3.2. «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖнинг 2016-2018 йиллардаги харажат ва даромадлари билан боғлиқлиги, молиявий натижалар таҳлили.**

Корхона молия хўжалик фаолиятини ҳамма томонларини акс эттирувчи кўрсаткичлардир. Шу туфайли ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олиб, маҳсулот таннархини таҳлил қилиш таҳлилнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда корхона фаолиятининг муҳим ва унга баҳо бериладиган мезон кўрсаткичларидан бири, фойда ва рентабелликдир.

Фойдага таъсир этувчи омил бу таннархдир.

Хизмат кўрсатиш таннархи - шу хизмат кўрсатиш учун кетган барча бевосита ва билвосита харажатларнинг қиймат ифодасидир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ёки бажараётган ишлари таннархини таҳлил қилишда бошқарув таҳлилини энг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Хизмат кўрсатиш харажатларини ўрганиш ва уларнинг ҳолатига баҳо бериш;

Хизмат кўрсатиш таннархини пасайтириш бўйича режани бажарилишини назорат қилиш;

Таннархини ўзгариш сабабларини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омиллар миқдор жиҳатидан ҳисоблаш;

Таннархни пасайтириш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлаш.


### 3.4-Жадвал

#### “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг 2016-2018 йиллардаги йиллардаги харажат ва даромадлари билан боғлиқлиги таҳлили

	Кўрсатгичлар	Ўлчов бирлил и	2016 йил	2017 йил	2018йил	Фарқ (+:-)	Ўсиш %
1	Хизмат кўрсатишдан тушган тушум	минг сум	2952476	5918605	3380985	-2537620	57,1
2	Хизмат кўрсатишдан чиқариш харажатлари	минг сум	798009	4270343	461734	-3808609	10,8
3	Соф фойда	--//--	624682	125522	-1293140	-1418662	-1030,2
4	Ялпи даромад	--//--	2154467	1648262	2919251	1270989	177,1
5	Таннарх даражаси (2:1x100)	%	27,0	72,2	13,7	-58,5	18,9
6	Харажатлар фойдалилиги (3:2x100)	Сум	78,3	2,9	-280,1	-283,0	-9527,9
7	Даромад даражаси (4к:1x100)	%	73,0	27,8	86,3	58,5	310,0
8	Даромадларнинг харажатларини қоплаш даражаси (4к:2к x 100)	%	270,0	38,6	632,2	593,6	1638,0

Жадвалда корхона 2016-2018 йиллардаги хизмат кўрсатишан тушган тушум 2017 йилга нисбатан 2018 йилда -2537620 минг сумга кам бажарилган. Хизмат кўрсатиш харажатлари таҳлил килинган йилларда ўзгариб борган. Бу кўрсаткич 2017йилда 4270343 минг сумни ташкил қилиб 2018 йилда 461734 минг сумни ташкил қилган. Яъни ўтган йилга нисбатан 10.8 га камайган.

3.4 диаграмма<sup>30</sup>



Корхона соф фойдаси 2017 йилда 125522 минг сумни ташкил қилиб 2018 йилга нисбатан 129140 минг сумга заарга ишлаган.

Харажатлар фойдалилиги, таннарх даражаси ўтган йилга нисбатан ортган. Даромад даражаси, даромадларнинг харажатларини қоплаш даражаси кўрсаткичлари ўтган йилга нисбатан ортиб борган.

Молиявий натижалар таҳлилида даромад ва харажатларнинг ўзаро фарқланишидаги ҳолатга баҳо берилади. Молиявий натижалар фойда ва заарларнинг шаклланиш қаторлари бўйича ўзгаришлари ўрганилади. Фойда ва заарларнинг омилли таҳлили олиб борилади. Корхонада молиявий натижавийликни яхшилаш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ва уларни йўлга қўйишнинг чора ва тадбирлари белгиланади. Корхонанинг фойдалилик даражасини ҳарактерловчи рентабеллик кўрсаткичи ва унинг омилли таҳлили ўтказилади.

Молиявий натижалар қаторига корхонанинг маҳсулот сотишдан оладиган натижаси, асосий воситаларни сотишдан олдиган натижаси ва бошқа активларни сотишдан оладиган молиявий натижаси акс этади. Давр ҳаржатлари улардан чегирилувчи қатор сифатида олинади.

<sup>30</sup> 3.4 жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

### 3.5Жадвал

#### “Жиззахавтотеххизмат” МЧЖнинг 2016-2018 йиллардаги молиявий кўрсаткичлар таҳлили<sup>31</sup>

Т/Р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	2018йил	Фарки (+;-)	Ўзгариш суръати %
1	Хизмат курсатишдан тушган тушум	минг сум	2952476	5918605,0	3380985,0	-2537620,0	57,1
2	Хизмат курсатишхаражатлари	минг сум	798009	4270343,0	461734,0	-3808609,0	10,8
3	Ялпи даромад	минг сум	2154467	1648262,0	2919251,0	1270989,0	177,1
4	Давр харажатлари	мингсум	1550360	1900209	4234511	2334302,0	222,8
5	Сотиш харажатлари	мингсум	164	1259	3297	2038,0	261,9
6	Маъмурий харажатлар	мингсум	1181905	1097611	1389480	291869,0	126,6
7	Бошқа операцион харажатлар	мингсум	368291	801339	2841734	2040395,0	354,6
8	Асосий фаолият фойдаси	мингсум	750510	267932	23661	-244271,0	8,8
9	Умумхужалик фаолиятининг молиявий натижаси	мингсум	750510	158418,0	1293140,0	-1451558,0	-816,3
10	Соликлар	мингсум	72095	21981,0	0,0	-21981,0	0,0
11	Бошқа ушланмалар ва йигимлар	мингсум	53733	10915,0	0,0	-10915,0	0,0
12	Соф фойда	мингсум	624682	125522,0	1293140,0	-1418662,0	-

Молиявий фаолиятдан олинган даромад ва ҳаржатлар қаторига корхонанинг молия бозоридаги фаоллигидан оладиган даромадлари ва, мулкий муносатлардаги иштирокидан олинадиган даромадлар, эркин алмаштириладиган валюта ресурсларини бошқаришдан оладиган даромадлари, корхонанинг молиявий фаолиятидан келиб чиқадиган турли


<sup>31</sup> Манба: Корхонанинг 2016-2018йиллардаги йиллик хисобот материаллари

харажатлар киритилади. Уларнинг корхона ҳисоб фойдасидаги салмоғи сўнги йилларда табора ошиб бормоқда.

Фавқулодда қутимаган ҳолатлардан даромадлар ва ҳаржатлар қаторига корхонининг асосий ва молиявий фаолиятидан ташқари, тасоддифий ҳолатлар бўйича оладиган даромад ва ҳаражталари киритилади. Уларнинг таркибига киритиладиган аниқ кўрсаткичлар янги Низомда ифода этилмаган. Фақат уларнинг фарқланишига таъриф берилган ҳалос.

Кейинги жадвалдан кўриниб турибдики, «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖнинг 2016-2018 йиллардаги молиявий натижалар таҳлилини қўриб чиқсан, Корхонада ўз кучи билан бажарилган хизматлар хажми 2016 – йилда 2952476 минг сўмни ташкил қилиб 2017 йилни 2018 йил билан солиштирсан, 2537620 минг сўмга кам хизмат кўрсатилган. Бу кўрсаткични фоиз ҳисобида 57.1 га тенг бўлган. Ишлаб чиқариш таннархи эса 3808609 минг сумга ўтган йилга нисбатан харажат ёки 10.8 фоизга харажат камайган. Корхонадаги хизмат кўрсатишдан тушган соф тушум, хизмат кўрсатиш харажатлари, корхонанинг ялпи даромад ва давр харажатлари кўрсаткичларини куйидаги диаграммадан кўришимиз мумкин:

3.5 диаграмма<sup>32</sup>



<sup>32</sup> 3.5 – жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чикилди

Мамурий харажатлар 2017 йилга нисбатан 291869минг сумга ёки 126.6 га ортган. Асосий фаолият фойдаси , умумхўжалик фойдаси даромад солиғи йилдан – йилга ўзгариб борган. Корхонанинг соф фойдаси 2017 йилда ўтган йилга нисбатан 1418662 минг сўмлик зарар билан чиқкан. Сабаби корхонада ўтган йилларга нисбатан хизмат кўрсатиш ҳажмининг камайганлиги, ҳамда харажатларининг ошишидир. Бу ўз навбатида маблағлар айланишининг тезлашганлигидан далолат беради.

### **3.3 «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖ ва рақобатчи корхоналарни иқтисодий кўрсаткичларини солишишим таҳлили**

### **3.6 жадвал 2018 йилда «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖ ва рақобатчи корхоналарни иқтисодий кўрсаткичларини солишишим таҳлили**

№	Кўрсаткичлар ними	улчов бирлиги	Жиззахавтотеххизмат МЧЖ	Бегалитранс МЧЖ	Имкониятавто сервис МЧЖ
1	Хизмат курсатишдан тушган тушум	минг сум	3380985,0	2105669,0	1759302
2	Ялпи даромад	минг сум	2919251,0	1083304,8	999688,9
3	Ишловчиларни ўртacha йиллик иш хақи фонди	минг сум	915238,0	842267,6	123151,14
	Жумладан: А) ишчиларники		617571,2	14596,6	110187,9
	Б) хизматчиларники		154392,8	827671,0	12963,3
4	Ишловчилар ўртacha йиллик сони шундан:	киши	68,0	82,0	38
	А) ишчилар	киши	42,0	72,0	34
	Б) хизматчилар	киши	26,0	10,0	4
5	Бир ишловчининг ўртacha йиллик иш унуми	минг сум	13459,4	25678,9	2899,68
6	Бир ишчининг ўртacha ойлик иш унуми	минг сум	6125,0	29245,4	3240,82
7	Асосий воситаларни ўртacha йиллик қиймати	минг сум	1618701,0	10327988,7	2165481
8	Айланма маблагларнинг ўртacha йиллик қиймати	минг сум	956593,0	12528835,5	424385,5
9	Ишлаб чикариш харажатлари	минг сум	461734,0	1022364,2	759613,1

10	Умумхужалик фаолиятининг молиявий натижаси	минг сум	-1293140,0	18593,6	3240,82
11	Соликлар	минг сум	-	9165,5	87991,9
12	Бошқа ушланмалар ва йигимлар	минг сум	-	57219,2	-
13	Соф фойда	минг сум	-1293140,0	3417,8	190023,6
14	Рентабеллик (12к:1к)*100	%	-38,2	0,3	10,80
15	Дебиторлик қарзлар	минг сум	643869,0	278856,7	735448,9
16	Кредиторлик қарзлар	минг сум	315872,0	697667,1	5459351,5

2018 йилда «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖ ва рақобатчи корхоналарни иқтисодий кўрсаткичларини солиштирма таҳлили кўрар эканмиз, таҳлил қилинадиган «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖ корхона, Бегалитранс МЧЖ ва Имкониятавто сервис МЧЖларнинг кўрсаткичлари хизмат курсатишдан тушган тушум Бегалитранс МЧЖ 160.6 фоизга ёки 1275316 минг сўмга зиёд хизмат кўрсатган. Имкониятавто сервис МЧЖ эса 1621683 кам хизмат кўрсатга ёки 52.0 фоизни ташкил қилган.

«Жиззахавтотеххизмат» МЧЖ ва рақобатчи корхоналарни иқтисодий кўрсаткичларини солиштирма ўзгариши



Ялпи даромад «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖда ортган. Ишловчиларни ўртача йиллик иш хақи фонди ҳам қолган ташкиллага нисбатан кў миқдорд берилган. Масалан Баркамолтранс МЧЖ 46.1% Имкониятавто сервис МЧЖ 5.6% ни ташкил қилган.

Демакки таҳлил қилинаётган корхонамиз иш миқдорига нисбатан кўп иш ҳақи берилган. Ишловчилар сони ҳам иш ҳажмига нисбатан паст кўрсаткичда. Ушбу кўрсаткичларни қўйидаги диаграмма орқали кўришимиз мумкин.

**«Жиззахавтотеххизмат» МЧЖ ва рақобатчи корхоналарни иқтисодий  
кўрсаткичларини солиштирма ўзгариши**



Корхонанинг асосий воситаларни ўртача йиллик қиймати, айланма маблагларнинг ўртача йиллик қиймати, Ишлаб чикариш харажатлари, умумхужалик фаолиятининг молиявий натижаси 2017 йилда рақобатчи корхоналарга нисбатан ўзгариб борган.

**3.6 диаграмма**



## ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг географик жойлашуви ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобига мамлакат транспорт тизимида автомобиль транспорти етакчи мавқега эга. Ҳозирги кунда транспортнинг ушбу тури зиммасига умумий ташилаётган юкларнинг 93 фоиздан, йўловчиларнинг 98 фоиздан кўпроғи, шунингдек, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 10 фоизи, ишлаб чиқариш фондларининг 15 фоизи ва меҳнатга банд бўлганларнинг 4 фоизи тўғри келади. Худудлар ва тармоқлараро кооперацияни, оммавий тадбиркорлик ва савдо-сотиқни ривожлантириш, аҳоли ҳаракатчанлиги ва иш кучи миграциясини тезкор таъминлашнинг нечоғлик самарали амалга оширилиши автомобиль транспорти хизматлари кўрсатиш бозорининг ривожланишига боғлиқ. Аммо бугунги кунда автомобиль транспорти тизимида рентабеллик даражасини пастлиги, унинг аҳоли саломатлиги ва экологияга салбий таъсирининг талаб даражасида эмаслиги, шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторларида транспорт ҳаражатлари улушининг юқорилиги, худудларнинг йўл тармоқлари ва инфратузилма обьектлари билан нотекис таъминланиши аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг транспорт хизматларига бўлган талабларини баҳо ва сифат жиҳатдан қондира олмаяпти. Бу эса автомобиль транспорт тизимида хизмат кўрсатиш бошқарувида такомиллашган усусларини ишлаб чиқиши заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017—2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракат стратегиясидаги иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш номли учинчи устувор йўналишида ҳам айнан, “.....— хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматлар роли ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тузилмасини энг аввало хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш, шунингдек, транспорт коммуникация ва ижтимоий инфратузилмадаги лойиҳаларни амалга

оширишга қаратилган актив инвестиция сиёсатини олиб бориш, ахолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, юк ва йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атмосферага зарарли ифлослантирувчи моддаларни қисқартириш, йўл инфратузилмаси қурилиши ва реконструкция қилинишини жадал давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш дан иборат транспорт хизматлари бозорини инновацион ривожлантириш йўли белгилаб берилди”<sup>33</sup>.

Меҳнатни ташкил этиш бўйича корхоналардан қуидаги тадбирлар амалга оширилиши лозим:

1. меҳнат унумдорлиги мутасил ошира бориш; меҳнат унумдорлигини оширишга корхонанинг барча бўғинларида техника тараққиётлигини жорий этиш асосида эришилади;
2. меҳнат шароитларини доимий суратда яхшилаш ва енгилаштира бориши; бунга хафталик иш кунини қисқартириши, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, корхонада меҳнатни санитария-гигиена шароитларини яхшилаш, хавфсизлик техникасига доир тадбирларини амалга ошириш, меҳнаткашларга ҳар йили хақ тўланадиган дам олиш кунлари бериши билан эришилади;
3. ишчиларнинг меҳнат интизомини ошиа бориши;
4. ишчиларнинг техник ва маданий даражасини мунтазам равища ошира бориши; бунга ишчиларни кечки олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида ҳамда хунар-техника таълими мактабларида ўқитиш йўли билан эришилади; бу масалада илғор иш тажрибаларининг кенг тарқатиш катта аҳамиятга эгадир.

Корхоналарда меҳнатни ташкил этиш омиллари автомобилларга хизмат кўрсатиш корхоналарига ҳам тааллуқлидир. Лекин автомобиллар сервисида меҳнатни ташкил этишнинг ўзига хос томонлари ҳам бор. Бу хизмат кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Автомобиллар сервисида ишлаб чиқарш интизомининг аҳамияти жуда

---

<sup>33</sup>

муҳимдир. Авввало шуни айтиш керакки, автосервис корхоналарига раҳбарлик қилиш энг муҳим омиллардан бири – бу якка бошчилиkdir. Автомобил сервисигага хос хусусиятларига автомобил сервиси ходимлари меҳнатини ташкил этиш борасида бир қанча талабларга жавоб берини тагозо этади. Автосервис корхоналарида турли табақадаги ишчиларнинг меҳнати ҳар қайси мутахассиснинг ишлаб чиқариш чиқаришга хос томонларини назарда тутиб ташкил этилади.

Битирув малакавий ишида таҳлил қилинган “Жиззах автотеххизмат” МЧЖнинг молиявий натижалари қўйидагича таҳлил этилди. Юқоридаги жадвалда «Жиззах автотеххизмат» МЧЖ нинг 2016-2017-2018 йиллардаги асосий техник – иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган бўлиб, унга кўра хизмат кўрсатишдан тушган тушум 2016 йил якунида 2952476 сўмни, 2017 йилда 5918605,0 сўмга 2018 йилда эса 3380985,0 сўмни ташкил қилиб, 2018 йил 2017 йилга нисбатан 2537620,0 минг сўмга ёки 42,9%га камайган.

Ишловчиларни ўртача йиллик иш хақи фонди 2016 йилда 616422 сўмни, 2017 йилда 771964,0 сўмни, 2018 йилда 915238,0 сўмни ташкил этган ҳолда жорий йилда ўтган йилга нисбатан 143274,0 минг сўмга ёки 18,6% га ўсган . Бир ишчининг ўртача ойлик иш унуми 2016 йилда 4824,3 минг сўмни, 2017 йилда 11743,3 сўмни 2018 йилда 6125,0 сўмни ташкил этган жорий йилда ўтган йилга нисбатан 5618,3 минг сўмга камайган ёки 51,9% пасайган.

Корхонанинг умумхужалик фаолиятининг молиявий натижаси 2017 йилдаги 158418,0минг сўм натижага эришган ҳолда 2018 йилда -1293140,0 минг сўм билан зарап билан якунлаган.

Корхонанинг дебиторлик қарзлари 2018 йилда 643869,0 минг сўмни ташкил этиб ўтган йилга нисбатан 24135,0 минг сўмга ёки 3,9 %га ортган. Кредиторлик қарзлари 2018йилда 2017 йилга нисбатан -401016,0 минг сўмга ёки 55,9%га камайган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибидики корхонада ходимлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича тизимли чора тадбирлар амалга ошириш лозим. 2017 йилга нисбатан 2018 йилда

корхонанинг бир қатор кўрсаткичлари камайган. Жумладан хизмат кўрсатишдан тушган тушум ҳисобот йилда кескин камайган, Бир ишловчининг ўртacha йиллик иш унуми, Бир ишчининг ўртacha ойлик иш унуми ва корхона йилни -1293140,0 минг сўм заарар билан якунлаган.

Битирув малакавий ишининг тадқиқот натижаларига асосланиб «Жиззахавтотеххизмат» МЧЖда мавжуд муаммоларни ва камчиликларни бартараф этиш борасида қуидаги таклифларни беришни мақсадга мувофиқ деб топдик:

- корхона ходимларини хизмат кўрсатишнинг инновацион усулларига ўқитиб бориш;
- хизматларни тижоратлаштириш имкониятларини баҳолаш бўйича методологик база яратиш;
- инновацион хизматларнинг яратилиши ва уларнинг авфзалларни тўғрисида истеъмолчиларни ахборот билан таъминлаш ҳажми ва қамровини ошириш;
- инновацион транспорт хизматларини яратиш жараёнида инновацион ташиш техника ва технологияларини тажрибада синааб кўриш учун етарли лабораториялар ва шарт-шароитларини яратиш;
- корхона бошқарув фаолиятига операцион менежмент, стратегик менежмент ва инновацион менежмент бошқарув характерини тадбиқ этиш;
- корхонада рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш лозим;
- корхона фаолиятида иқтисодий самара бермаган бошқарув усулларини бошқарув амалиётидан чиқариш;
- корхона бошқарув амалиётига бошқарувнинг инновацион ва автоматлашган усулларини жорий этиш;

- Хизмат кўрсатиш жараёнида хизмат кўрсатувчи ва мижоз ўртасида маълумотларнинг тезкор алмашув тизими шакллантириш;
- корхонада бошқарув самарадорлигини аниқлайдиган бозор моделларини ишлаб чиқиш;
- хизмат кўрсатиш рақобатбардошлигини ошириш учун маҳсулот таннархини камайтириш лозим;
- хизмат фаолиятида “just in time” (аниқ муддатга) концепцияси асосида қиймат ва вақт омилларининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш;<sup>34</sup>
- корхона фаолиятида транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасида инновацион хизмат кўрсатиш турларини яратиш ва истеъмол қилиш борасида илмий-асосланган самарали тизим яратиш;
- корхонада кадрлар фаолиятини индивидуал баҳолаш имконини берадиган самарали дастурлар билан таъминлаш;

---

<sup>34</sup> Гриценко М.Н. Концепция «Just in time» как современная логистическая система оптимизации материальных потоков. [www.rusnauka.com/is\\_NpN\\_2009/Economics46669.doc.htm](http://www.rusnauka.com/is_NpN_2009/Economics46669.doc.htm)

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз .—Т.:“Ўзбекистон”, 2017–592 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. —Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи. <http://aza.uz/oz/politics/zbekiston-presidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi>.

### **Норматив ҳуқуқий хужжатлар**

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

### **Махсус адабиётлар.**

5. Гриценко М.Н. Концепция «Just in time» как современная логистическая система оптимизации материальных потоков. [www.rusnauka.com/is/NpN\\_2009/Economics46669.doc.htm](http://www.rusnauka.com/is/NpN_2009/Economics46669.doc.htm).
6. Ш.Н.Зайнутдинов ва бошқалар. Менежмент асослари. Т., Молия, 2001.
7. Шарифхўжаев М, Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: Ўқитувчи. 2002.
8. Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: Ўқитувчи. 2005.-447б.
9. Котлер Ф. Маркетинг-менеджмент. Экспресс курс. //Пер. с англ. под. ред. Ю.Н. Каптуревского. - СПб.: Питер, 2002.
10. Дойль Питер. Маркетинг - менеджмент и стратегии. 3-е изд. //Пер. с англ. Под ред Ю.Н. Каптуревского. - СПб.: Питер, 2002.
11. Дэвид Кревенс. Стратегический маркетинг. - М.: Вильямс, 2003.
12. Матанцев А.Н. Стратегия тактика и практика маркетинга. - М.: Юрист, 2002.
13. Котлер Ф., Армстронг Г., Сондерс Дж., Вонч В. Основы маркетинга. // перевод с англ. 2-е европ. изд. - М.: Вильямс, 2002.

14. Фатхутдинов Р.А. Стратегический маркетинг.-М.: ИНФРА-М,2001.
15. Багиев Г.Л., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг. - М.: Экономика,2001
16. Фатхутдинов Р.А. « Производственный менеджмент.» М. , 2001
17. Лагоша Б.А. «Оптимальное управление в экономике», Учебное пособие.М., «Финансы и статистики». 2003
18. Новицкий Н.И « Организация производства на предприятиях». Учебное пособие. М. Финансы и статистика. 2003.
19. Зайнутдинов Ш.Н., Исмаилова Т.С «Производственный менеджмент». Учебное пособие. Т., 2002.
20. Белявский И.К. Маркетинговое исследование: информация, анализ, прогноз. Учебное пособие - М.: Финансы и статистика, 2001.
21. Шмитт Б. Эмпирический маркетинг. Как заставить клиента чувствовать, а также соотносить себя с вашей компанией. //Пер с англ. К Ткаченко. - М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001.
22. Голубков Е.П. Маркетинг. Словарь-справочник.- М.: Дело, 2001.
23. Маслова Т.Д., Божук С.Г., Ковалик Л.Н. Маркетинг. СПб.:Питер,2002.
24. Титов А.Б. Маркетинг и управление инновациями. -СПб.: Питер, 2001.

### **Электрон таълим ресурслари**

25. [www.gov.uz](http://www.gov.uz). (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти)
26. [www.gkas.uz](http://www.gkas.uz) (Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва курилиш Қўмитаси сайти)
27. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz) (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси)
28. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)
29. [www.mf.uz](http://www.mf.uz). Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги